

ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК, ЖОНАЖОН ЮРТИМ

1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ИСТИҚЛА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ НАШРИ

№№ 65—66 (2706—2707)
1994 йил, 26 август

Тошкент шаҳрида
сочувда баҳоси
1 сўм

БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳайъати, раҳбарияти ва шахсий таркиби номидан барча ички ишлар идоралари ходимларини, фахрийларини, уларнинг oila аъзоларини, жамъиқ юртдошларимизни ва муштарийларни Она Ватанимиз — Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 3 йиллиги байрами билан чин дилдан қутлайман.

Ушбу улуг айём арафасида Сиз азиятларга узоқ умр, сикхат-саломатлик, оилавий фаровонлик, бахт-саодат, жонажон ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда унинг ерқин истиқболи йўлидаги муштарак ишларингизда омадлар тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти
З. АЛМАТОВ.

ОСОЙИШТАЛИК — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

Юртимиз тарихидаги энг қутлуг, шуқуҳли байрам арафасида турибмиз. Озод юртининг дастлабки қадамлари жуда ҳам машаққатли бўлди. Илгари катта бойликлардан маҳрум бўлган, кўзини фақат тупроқ тўлдир оладиган очкўз ғанимларимиз давлатимиз боши узра тўхмату ғийбат тошларини соча бошладилар. Душманларимиз юртимизни халқаро жамоатчилик олдида обрўсизлантиришга ҳар қанча уринсалар-да, уларнинг режалари барбод бўлди. Ғанимлар ўзлари қазиган чоғга ўзлари қуладилар.

Собиқ Иттифоқ ҳудудидаги айрим республикаларда ўзаро уруш-жанжаллар туфайли қирғин-барот бўлаётган бир пайтда, юртимиздаги тинчлик, осойишталик ва фаровонлик юртбошимиз Исро Каримов олиб бораётган тўғри ва одилона сиёсатнинг самараси эканлигини бутун халқимиз кўриб, тушуниб, дилдан ҳис қилмоқдалар. Президентимизга раҳматлар айтмоқдалар, ўз миннатдорчиликларини билдирмоқдалар.

Истиқлол туфайли маънавий қадриятларимиз тикланди; урф-одатларимиз сайқал топмоқда. Дунё илмига асос солган, унинг тараққиётга улкан улуш қўшган бобокалонларимизнинг шон-шўҳрати ўзимизга қайтиб келди. Уларнинг номлари фахр билан қайд этилмоқда. Хўжа Аҳмад Яссавий, Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби улуг зотларнинг таваллуд тоған кунларини нишонлаш борасида

Президентимиз фармонлари халқимиз гурурини баланд кўтарди. Динимизга йўл очишни, қурилган масжид ва мадрасалар, борларининг ҳам қайтадан таъмирланиши халқимиз кўнглидаги иш бўлди.

Бугунги кунда келажакимиз бўлган ёшларга муносабат ўзгарди. Мактабларимиз ҳақиқий маънода ислохотлар даврини бошдан кечирмоқда. Уқувчилар давлат ва синов имтиҳонларини тест усулида топшираётирлар, одобнома дарсларида шарқона, энг гўзал ахлоқ намуналари ёшлар онгига сингдирилмоқда. Ватанимиз ва динимиз тарихига янгича нигоҳ ташланаяпти, давримиз талабларига жавоб бера олмаётган таълим-тарбия усулларида ваз кечмоқда. Ёшлар тарбияси, хусусан, ватанпарварлик, фидойилик туйғуларни бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир, деб Президентимиз қайта-қайта ўқтирмоқдалар.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган куннинг уч йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Уч йил!.. Манашу қисқа бўлган давр кўҳна тарихимизни, тарихда бизга ажратилган ўрнимизни чуқур англаш йиллари бўлди. Бу йиллар шу ҳолатларнинг сабабларини мафкуравий ақидалардан ҳопи равишда, ақл-идрок билан таҳлил қилиш йиллари бўлди.

Хур Ўзбекистонимизнинг Жаҳон Ҳамжамияти орасида обрўси ва нуфузи тобора ошиб бораётгани, энг муҳими, мамлакатимизда тинчлик,

осудалик ҳукм сураётгани бизнинг бахтимиз.

Юртининг тинчлиги ва осойишталиги — мустақиллигимизнинг муҳим пойдевори. Мамлакатимиз меҳнат аҳли бунни яхши билади.

Мустақиллиқни мустаҳкамлаш, жойларда барқарорлик ўрнатиш борасида республика ИИБ кўп ишларни амалга оширяпти.

Мустақиллик туфайли республикамизнинг барча ички ишлар идораларида ҳам катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Шунингдек, улар зиммасига катта масъулиятли вазифалар юкланди.

Мустақиллик шодиёналарига саноқли кунлар қолди. Бутун республика аҳли бу кунни интиқиб кутаяпти.

Кўчалар, хибонлар байрамона либос кийган. Қурувчилар, ҳайкалтарошлар, меъморлар, кўкаламзорлаштирувчилар, ёритувчилар, хуллас, ҳамма-ҳамманинг қўли-қўлига тегайди.

Мамлакатимиз истиқлолининг уч йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантаналарга республика ички ишлар вазирлигида анча аввалдан ҳозирлик кўриб қўйилди.

Байрам кунларида темир йўл вокзаллари, аэропортлар, автостанциялар орқали келаётган меҳмонларни кутиб олиш масалалари ҳам алоҳида эътиборга олинди.

Хуллас, мустақиллиқнинг уч йиллиги тантаналари тинч ва осойишта ўтиши учун барча қулайликлар яратилган.

ИИБ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳайъати мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис кун тартибида учта масала кўриб чиқилди. “Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг уч йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” ва “1994 йилги пахта териш мавсумида жамоат тартибини сақлаш, ҳосилни енгиндан асраш ва йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш борасида кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги икки масала бўйича ИИБ Жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Қ. Тошмухамедов маъруза қилди.

Учинчи масала — “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг 1994 йил 26 мартдаги кўрсатмаси асосида ички қўшинлар қисмларига ҳарбий хизматга

баҳорги чакирув ишларининг ижро этилиш сифати ва кузги чакирувни самарали ўтказишга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ички қўшинлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари полковник В. Бухтаев маъруза қилди.

Кўриб чиқилган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти З. А. Алматов, вазирнинг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Қ. Н. Бурхонов, вазир ўринбосари, ички хизмат полковниги Р. Қ. Ҳайдаров ва бошқа раҳбар ходимлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, бажарилиши лозим бўлган вазифалар хусусида гапирдилар.

Ҳайъат мажлисида ҳар уч масала бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

ИККИ ЖУМА ОРАЛИГИДА

ТОВЛАМАЧИЛАР ИЛИНДИЛАР

АНДИЖОН шаҳар умумий овқатланиш корхонасига қарашли кафетерий бошлиғи Х. Эшматовнинг ҳузурига 12 август куни икки номатълум шахс кириб келди ва унга дўқ-пўписа қилиб, 8 минг сўм пулини олишди. Сўнг товлामачилар 16 август куни келишларини, яна 75 минг сўм пул топиб қўйишини тайинлаб чиқиб кетдилар. ИИБ ходимлари кўрган чора-тадбирлар туфайли белгиланган кунни товламачилар қўлга олинди. Улар Андижон шаҳар Марказий шифохонаси врачлари, 1957 йилда туғилган Х. Б. ҳамда Андижон туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, 1961 йилда туғилган Ш. С. бўлиб чиқдилар. Улар ўз қилмишлари учун қонун олдида албатта жавоб берадилар.

ТЎППОНЧА ТОПИЛДИ

ТОШКЕНТ шаҳрининг Юнусобод туманида истиқомат қиладиган, ҳеч қаерда ишламайдиган А. М.ни милиция ушлаб, текшириб кўрди. Унинг енидан ишлаб чиқарилган йили номатълум, рақами ўчирилган бир дона АПС тўппончаси топилди. Тўппонча эгаси бугунги кунда жанговар қуролни қаердан ва нима мақсадда олгани аниқланмоқда.

ЧОРА-ТАДБИР КЎРИЛДИ

АНДИЖОН шаҳридаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрловчиси, 1958 йилда туғилган И. Х. ўз вазифасини суниётимол қилиб, давлатнинг 14 минг сўм пулини ўзлаштириб юборган экан. Бунни ИИБ ходимлари навбатдаги текширувда фох этиб, зарур чора-тадбирларни кўрди.

БУГДОЙ ЎҒРИСИ УШЛАНДИ

СИРДАРЕ виллоятининг Ш. Рашидов тумани ИИБ ходимлари Узоқов номли жамоат хўжалигида яшовчи, пахта қабул қилиш пунктида қоровул бўлиб ишловчи Ф. С. ўз хонадонига 3150 килограмм ҳужжатсиз буғдой ва 700 килограмм арпа яшириб қўйганини аниқладилар. Энди хонадон соҳиби бу дон маҳсулотларини кимдан, қачон ва нима мақсадда олганини айтиб беради.

МОДИЙ ЗАРАР АНИҚЛАНМОҚДА

ХИВА шаҳридаги маданият уйида электр симларининг қисқа туташуvidан енгин содир бўлди. Натижада 400 квадрат метр том, саккиз дона кондиционер, 2 дона кинопроектор ва бир неча мебеллар ёниб кулга айланди.

М. ТИЛЛАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан, меҳр-шафқат ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилиб, Конституция 93-моддасининг 20-бандига асосан қарор қиламан:

1. 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганлар, аёллар, еши 60 дан ошган эркаклар ҳамда 1- ва 2-гурух ногиронлари жазодан озод қилинсин.

2. Биринчи марта айтаб қилган жиноятлари учун 3 йилгача озодликдан маҳрум этилган еки енгилроқ жазога ҳукм қилинганлар,

шунингдек эҳтиётсизлик туфайли қилган жинояти учун 5 йилгача озодликдан маҳрум этилганлар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва белгиланган жазо муддатининг учдан икки қисмини ўтаган шахслар жазо муддатининг қолган қисмини ўташдан озод қилинсин, белгиланган жазо муддатининг ярмини ўтаган шахслар эса бадарга колониясига ўтказилсин.

4. Ўта оғир жинояти учун озодликдан маҳрум этилган ашаддий жиноятчиларга, наркотик моддалар ва

ўқотар қуроллар билан боғлиқ жинояти учун маҳкум этилганларга, уюшган жиноий гуруҳларнинг иштирокчиларига, шунингдек, жазони ўташ тартибини ашаддий бузувчиларга нисбатан афв қўлланилмасин.

5. Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради ва тўрт ой давомида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 19 август.

МУХБИР: — Респуб-
ликамининг
мустақиллиги эълон қилинган,
вилоят ДАН фаолиятида қандай
ўзгаришлар бўлди?

К. АЪЛОХОНОВ: — Ўзбекистон
Республикаси Мустақиллигининг
учинчи йили нишонланиш
арафасида турибмиз. Ўтган йиллар
давлатчилик тизимларини
шакллантиришда ва мустақил
мамлакатнинг қонуний-ҳуқуқий
асосларини яратишда ҳал қилувчи
аҳамият касб этди. Айниқса, ташқи
дунёга юз очган, кўҳна алоқалар
йўлини тиклаган Ватанимиз жаҳон
ҳамжамиятида ўз сўзига, ўз йўлига
эгалитини оламга намойиш
қилди. Истиқлолга эришганимизга
қадр собиқ СССР ИИВнинг
чизган “чизигидан” чиқмасдик.
Уларнинг “чизигида” на
шароитимиз, на миллийлигимиз, на
урф-одатларимизга заррача
яқинлик йўқ эди. Истиқлолни мен
яшил чироққа ўхшатаман.
Республикамининг мустақиллиги
эълон қилинган, бошқа
бўғинларда бўлгани каби ДАН
фаолиятида ҳам жиддий
ўзгаришлар юз берди. Хусусан,
жойлардаги ДАН идораларининг
ҳуқуқ доиралари кенгайтирилиб,
масъулияти оширилди. Таркибий
қисми ҳам маъмурий амалиёт,
суриштирув, қидирув, шахсий
таркиб билан ишлаш, моддий
таъминот каби соҳалар билан
мукамаллаштирилди. ДАН
ходимлари жиноятчиликка қарши
курашни кучайтиришга, аҳоли ва
меҳнат жамоалари билан
алоқаларни мустаҳкамлашга,
айниқса, йўл-транспорт
ҳодисаларини камайтиришга
қаратилган аниқ чора-тадбирларни
амалга оширишга эътиборни
кучайтирдилар.

Бугунги кунда Давлат автомобиль
назоратини замонавий
автомобиллар, компьютерлар ва
бошқа махсус техникалар билан
таъминлашга Ўзбекистон
Республикаси Президенти,
вилоятларда ҳокимлар катта
эътибор бераётганлиги яққол кўзга
ташланиб турибди.

Республикаминг мустақилликка
эришгандан сўнг вилоят ДАН
бўлими тўртта замонавий
компьютер, махсус кузатувларда
фойдаланиш учун битта “ГАЗ-
31029” русумли автомобиль билан
таъминланди. Ҳозирги кунда
вилоятдаги барча шахсий транспорт
воситалари ҳақидаги
маълумотларнинг аксарияти
компьютерлаштирилди. Бу
маълумотларни ҳисобга олиш, қайта
ишлаш ва зарур бўлган ҳолларда
қўшимча ўзгаришлар киритиш
мақсадида, маҳаллий бюджет
ҳисобидан тўртта оператор штати
олинди. Компьютерлар учун махсус
хона жиҳозланди, янги автомобиль
харид қилиш еки эгаси ўзгарган
автомобилни рўйхатга олиш ҳам
компьютерлаштирилди.

Худди шунингдек, компьютерлар
қайдлов бўлимига, у еки бу
автомобиль ҳақида батафсил
маълумот олиш, жиноятларни
тезкорлик билан очишда
ёрдамлашиш учун ДАН бўлими
навбатчилик қисмига компьютер
ўрнатилди. Олдимизда турган
навбатдаги вазифа — қайдлов-им-
тиҳон бўлимлари томонидан
берилаётган ҳайдовчилик
гувоҳномалари ва огоҳлантириш
талонларини компью-
терлаштиришдан иборатдир.

ДАН бўлими қайдлов-имтиҳон
бўлимида фуқароларга
қулайлик яратиш мақсадида кутиш
залида телевизор ўрнатилди,
уларнинг дам олишлари учун
сўлим-салқин жойга ўтиригичлар
ўрнатилди.

МУХБИР:—Йўлларда аҳвол
қандай?

К. АЪЛОХОНОВ: — Бундан бир
йил аввал ҳам нафақат шаҳарда,
балки қишлоқлардаги узундан-узоқ
йўлларда ҳам транспорт тез-тез
қатнаб турар эди. Юзага келган
иқтисодий-тақчиллик туфайли бу
ҳолат ўзгарди, яъни ёнилғи-мойлаш
материаллари, ёнилғи муаммоси
оқибатида ҳаракат бир оз камайди.

Бироқ, бу танқислик йўловчилар
ҳам, транспорт бошқарувчилар ҳам
ҳамма нарсани тежаб-тергаб
фойдаланишга, деган маънони
асло англамайди. Кўплаб

шундай одамлардан бири, десак
адамшаймиз. У ўз фаолияти билан
қўл остидаги ҳайдовчиларга тескари
намуна кўрсатапти. Бўлмаса,
ўзига бириктирилган М-2140
русумли, 13-72 НАА давлат
белгилли махсус ёнгил машинани
доимий равишда уйда сақлаб
келармиди?

ДАН ходимлари нафақат
қондабузарлар билан қизиқиб
қолмай, халқимиз ризқини
ўзгаларга раво кўраётган беорларни
ҳам эътибордан четда
қолдиришмаяпти.

Поп тумани худудида фарғоналик

ярим соат вақт ўтар-ўтмас машина
ўғириси Тўрақўрғон тумани ИИБ
ДАН бўлимининг ходимлари О.
Тожибоев, Р. Шарофиддинов, С.
Раҳматуллаевлар томонидан
туманининг Шохидон қишлоғида
қўлга олинди.

Бир сўз билан айтганда, содир
этилган ҳеч бир жиноят жазосиз
қолмайди. Бу айтиш кундаги
ҳақиқатдир.

МУХБИР: — Мактаб
ўқувчиларининг йўл ҳаракати
оид билимларини
мустаҳкамлаш учун қандай
ишлари амалга

анжомлардан фойдаланиб
ўтказилди. Тарғибот гуруҳини йўл
ҳаракати қоидаларига оид чиқиши,
ўқувчилар томонидан қўлда
тайерланган альбом, светофор ва
автомобиль моделлари, деворий
газеталар, йўл белгилари ҳам ўз
баҳосини олди.

Кейинги йилларда Наманган
шаҳрида бошланғич синф
ўқувчилари иштирокидаги йўл-
транспорт ҳодисалари камаймаётган
эди. Шу сабабли шаҳардаги
мактабларда тарғибот-ташвиқот
ишларини янада жонлантириш, бу
билан йўл-транспорт
ҳодисаларининг олдини олиш ва
камайтириш мақсадида бошланғич
синф ўқувчилари ўртасида “Йўл
қоидаси — умр фойдаси”
мусобақаси ўтказилди. Бунинг
ҳаммаси ўз таъсирини кўрсатмай
қўймапти. Содир этилаётган йўл-
транспорт ҳодисалар миқдори
оғишмай камайиб бормоқда. Ўтган
олти ой мобайнида ҳодисалар сони
7,5 фоизга, худди шундай болалар
билан боғлиқ йўл-транспорт
ҳодисалар сони 17,9 фоизга
камайди.

МУХБИР: — Агроф-муҳит
мусаффолигини сақлаш
борасида қандай ишлар
қилиняпти?

К. АЪЛОХОНОВ: — ДАН
ходимлари агроф-муҳитнинг
мусаффолигига ўз улушларини
қўшиш, табиатни асраб-авайлаш
масаласига ҳам қўлларидан
келганча ҳисса қўшишга ҳаракат
қилмоқдалар. Вилоятда шу йил 10
майдан 10 июнигача ўтказилган
“Тоза ҳаво” ойлигида йирик
автокорхоналар автотранспортлар
двигателидан чиқаётган заҳарли
газларни махсус асбоблар ёрдамида
ўлчанди. Бунда чиқитлар
меъеридан юқори транспорт
воситалари ҳайдовчиларига,
мансбдор шахсларга ва шахсий
транспорт воситалари
ҳайдовчиларига жарималар
солинди. Лекин асосий мақсад
фақат жарима ундиришда эмаслиги,
белгиланган тартиб-қоидаларга
риоя этишни ўргатишдир. Табиат
инсонга чексиз бойликлар инъом
этган. Шулардан бири — соғлиқдир.
Шу боисдан биз ҳам ўз тан-
сиҳатлигимизни асраб-
авайлашимиз, мусаффо ҳаводан
барчани баҳра олиб, узоқ умр
кўришини таъминлашимиз лозим.

Суҳбатдош Мурод ТИЛЛАЕВ,
“Постда” мухбири.

«ИСТИҚЛОЛ БУ - ЯШИЛ ЧИРОҚ»

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ИИБ ДАН БЎЛИМИ БОШЛИГИ, МИЛИЦИЯ
ПОДПОЛКОВНИГИ КАМОЛХОН ДАДАХОНОВИЧ АЪЛОХОНОВ БИЛАН МУСОҲАБА

автоҳўжаликларда транспорт
воситаларининг ўлчов қуримлари
иш нозорат қилинмайди, ёнилғи
ҳисоб-китоби чалкаш. Давлат
автомобиль нозорати ходимлари
давлат ҳисобидан бундай
ҳотамтойлик қилаётганларни
аниқлаш ишларини узлуксиз олиб
боришяпти. Йўл варақасида
кўрсатилмаган масофаларни босиб
ўтиб, давлат мулкидан ўз шахсий
манфаати йўлида ҳеч чўчимай
фойдаланаётган, автомашинанинг
эҳтиёт қисмларини беҳудага
яроқсиз ҳолга келтираётганларнинг
сони бор, саноғи йўқ.

МУХБИР: — Ана шундай
қонунбузар, қондабузарлар
тўғрисида батафсилроқ гапириб
берсангиз.

К. АЪЛОХОНОВ: — Ҳўп бўлади.
Турмуш қийинчиликлари ҳаммага
ҳам бирдай сезилмаётир. Аниқланган
69508та қондабузар
ҳайдовчиларнинг 1076 нафари
ширакайф ҳолда экан. Булар тинч-
гина манзилга етиб олишса майли-я,
аммо уларнинг аксарияти бахтсиз
ҳодисалар чиқаришяпти. Гапимнинг
исботи учун бир мисол келтираман.

Косонсой туманидаги Терғат
қишлоғида яшовчи Р. Эралиев
спиртли ичимлик ичиб, акасига
қарашли автомобиль рулига
ўтиргани боис Косонсой-
Тўрақўрғон йўлида тўрт кишининг
жараҳот олишига сабабчи бўлди.

Ўз манфаатини ўйлаб, энг яхши
нарсаларни халқига, ватанига раво
кўрмайдиган шахс кечанинг одами.
Косонсойдаги 89-автокорхонанинг
бўлим бошлиғи А. Сиддиқов ана

Абдухалил Долиев бошқарувидаги
“КамАЗ” автомашинаси
тўхтатилди. Ғўзапоя юкланган бу
автомобиль ДАН ходими Одилжон
Холматовда шубҳа уйғотди.
Текширилганда ўтин тагида 10 қоп
ун яшириб қўйилганлиги
аниқланди. Шунингдек, Помир
шаҳри фуқароси Абдурасул
Сайфуддинов ноеб дори-
дармонларни республикадан
ташқарига олиб чиқиб кетаётганда
ушланди.

МУХБИР: — ДАН
ходимларининг жиноятларни
очишдаги иштироки хусусида
тўхталсангиз.

К. АЪЛОХОНОВ: — ДАН
ходимлари жиноятларни очишда,
ҳатто жиноятчиларни ушлашда ҳам
фаол иштирок этишмоқда. Кўпинча
нима сабабдан жиноятлар содир
этилмоқда, деб ўйланиб қоласан,
киши. Буларнинг юз беришига
ҳайдовчиларнинг ўзлари ҳам
сабабчи бўлмаётирлармикан?
Кўпинча очикда, қаровсиз қолган
нарсалар ўғирланади. Бир неча мил-
лион сўмга олинган автомобилни
қўриқладиган жойда сақлаш еки
ҳозирги замонавий ташвишгоҳ
қуримларни ўрнатиш билан
жиноятларнинг олдини олишлари
мумкин эмасми?

Шу йил 28 июнь куни соат ўнлар
атрофида Ҳаққулбод шаҳридаги
“Парвоз” кичик корхонасига
қарашли “ГАЗ-24-11” русумли,
53-88 НАА рақамли автомобиль
номаълум шахс томонидан олиб
қочилганлиги. Қўрилган тезкор чора-
тадбирлар натижасида орадан бир

ошираяписизлар?


К. АЪЛОХОНОВ: — Вилоятдаги
мактабларда йўл ҳаракати
қоидаларини тарғиб қилиш, болалар
билан боғлиқ йўл-транспорт
ҳодисаларини камайтириш ва
уларнинг олдини олиш мақсадида
ҳар йили турли мусобақалар уюш-
тириш анианага айланиб қолмоқда.
Шулардан бири — “Светофор-94”
мусобақаси уч босқичда ўтказилди.
Биринчи босқичда худудлардаги
мактаблар биринчилиги учун, ик-
кинчи босқичда шаҳар ва туман
биринчилиги учун, учинчи босқичда
вилоят биринчилиги учун қизгин
кураш олиб борилди.

Вилоят мусобақасида 17 та
гуруҳнинг ҳаракат нозоратчилари
иштирок этишди. Бу мусобақа
аввалги йилларда ўтказилган
мусобақалардан тубдан фарқ қилди.
Иштирокчиларнинг пиёдалар,
велосипедчилар, темир йўл
кесимчаси учун йўл ҳаракати
қоидалари, еш ҳаракат
назоратчилари гуруҳи Низоми ва
дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш
бўйича нозорат билимлари “тест”
усулида синаб кўрилди.

Велосипедни амалий фигурали
бошқаришлар махсус
автошаҳарчада турли асбоб-



Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган суратлар.



САҲИФАДА:

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

ГИЁҲВАНДЛИК бугунги кунда жаҳон аҳлини ташвишга солиб келаётир. Бу оғуни истеъмол қилиш қонунда қатъий таъқиқланган. Шунга қарамай айрим мўмай пулга ружу қўйганлар ҳали-ҳамон ўзларини тийиб ололмаётилар. Улар гиёҳванд ўсимликларни ўстириш ёхуд унинг қуритилган талқонини сотиш билан шуғулланишни қанда қилмаётилар. Шу билан бирга ёш авлодни ушбу қабих ишга тортиш ҳоллари учраб тургани ташвишлидир.

Кўпгина тоғли туманлар ҳудудларида ими-жимиди кўкнор, нашо ўсимликларини ўстираётган кишилар ҳам учраб тургани аянчлидир. Халқимизда "бангилик — девоналик", деган гап бор. Рост гап. У нафақат умр заволи, балки зурриятнинг майиб-мажруҳ туғилишига ҳам таъсири бор.

Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари бу йил ҳам "Қорадори-94" махсус тадбирини ўтказдилар. Унда Китоб туманининг "Паландара" давлат ҳўжалигига қарашли Кавзахона, Обизигитон боғи тизимлари ён бағрида номаълум шахслар томонидан экилган 35000 квадрат метр майдондаги кўкноризорни аниқлашди. Милиция ходимлари шу атрофда яшовчи аҳоли билан бирга бу кўкноризорларни йўқ қилиб ташлашди.

Шунингдек, Китоб туманидаги

"Зарафшон", Чироқчи туманидаги "Қалқама" давлат ҳўжаликлари ҳудудларида ҳам кенг майдонга экилган кўкноризорлар ўриб олиниб, ёқиб юборилди.

ўстираётганлиги аниқланиб, бу ўсимликлар ўз вақтида ўриб олиниб, ёқиб юборилди. Худди шунингдек, Шахрисабз туманининг "Гулистон" жамоа ҳўжалиги аъзоси Ҳаким

"ҚОРАДОРИ-94"
АҚЛ ЭГОВИ,
УМР ЗАВОЛИ

Вилоят ички ишлар бошқармаси гиёҳвандликка қарши кураш бўлими ва унинг жойлардаги ходимлари ёрдамида нашо ва кўкнор экиш билан шуғулланган талай шахслар аниқланиб, уларнинг айримлари устидан жиноий иш қўзғатилди.

Ўтган олти ой ичида 181066 квадрат метр майдондаги кўкноризор рўйхатга олинди. Гиёҳванд моддаларни сотиш ва истеъмол қилувчи шахслардан 14 килограмм наркотик модда олиниб, мусодара қилинди. Жумладан, Касби туманининг Майманок қишлоғида яшовчи Дўстбобо Рустамовнинг томорқасида 258 туп нашо

Ғафуровнинг томорқасидан 150 туп кўкнор, Китоб туманидаги Охунбобоев номли жамоа ҳўжалигида яшовчи Қодир Воҳидовнинг ҳовлисида 5000 туп кўкнор, Касби туманининг Майманок қишлоғида яшовчи Раъно Бойматова ва Дониёр Рустамовлар ҳовлисида 250 туп нашо ўсимлиги ўстираётганлиги аниқланди ва йўқ қилинди.

У. Юсупов туманидаги 34-давлат ширкат ҳўжалигининг 2-бригадаси шийпон қоровули Зоҳид Мавлонов ўзим хон, кўланкам майдон қабилида хонадонига 1 килограмм 200 грамм нашога мансуб яшил талқонни яшириб қўйганда қўлга тушди. Унинг

"муруввати" билан шийпон ҳовлисида ўсаётган 5 туп нашога мансуб ўсимлик хушбўй "атир" сочиб, шамолда солланиб турарди. Экспертиза ҳулосасига кўра, бу ўсимликлар таркибида наркотик модда борлиги аниқланди ва кўкатлар йўқ қилиб ташланди. Биз кўкнорифуруш ва нашофурушларнинг рўйхатини янада давом эттиришимиз мумкин.

Одил қонун олдида бу ишга қўл урганлар жавоб бериши тайин. Милиция майори Исроил Тўхтамишев бошлқ гиёҳвандликка қарши кураш бўлими ходимлари янада оперативлик намуналарини кўрсатмоқда. Милиция капитани Равшан Жумаев, милиция катта лейтенанти Холбозор Хуррамов ва бошқаларнинг хизмати катта.

Муҳими, вилоятимизда гиёҳванд моддаларни сотувчи ва етиштирувчилар ўз вақтида аниқланиб, таноби тортилмоқда. Мўмай пул дардида ёнган кимсаларнинг пайи қирқилмоқда. Ўйлаймизки, ватанимизнинг ҳар бир фуқароси бу наркотик моддалар билан шуғулланувчи шахсларни билса, жойдаги милиция бўлиmlарига хабар берадилар.

Б. НАФАСОВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ ЖҚБ
катта тезкор вакили, милиция капитани.

ТАЛОНЧИ ҚОРОВУЛЛАР

ФУҚАРО Жўра Баротов қўлда туқилган ўзига тегишли гиламни Шахрисабз шаҳар бозорида сотмоқчи бўлганда икки харидор чиқди. Улар гиламнинг ёқиб қолганини айтишиб сотиб олишларини билдиришди. Мижозларнинг ширин тилигидан гилам эгаси сувга тушган кесакдай эриб тушди. Лекин кўчага чиқишгандики, боғилар дўқ-пўписига ўтди. Мол аччиги, гиламфуруш уларнинг зўравонлигига қаршилиқ кўрсатгани, бўлмади. Зўравонлар милиция ходимлари томонидан қўлга олинди. Улар шаҳар соқчилиқ бўлимида қоровул бўлиб ишлашаркан. Гилам эгасига қайтарилди.

Талончи қоровуллар устидан текшириш ишлари олиб борилаётир.

КЎКНОРКОРЛАР

КЎКНОРИ ширасини ичувчи одам умрбод унинг мафтуни бўлиб қолади. Натижада оғу қурбонига айланади. Лекин қонунда тақиқланишига қарамай, айрим кимсалар мўмай пул илнжидида ҳамон бу захри қотил ўсимликни ўстиришдан тап тортмаётилар. Китоб туманидаги Р. Шайманов номли жамоа ҳўжалигининг Яккатут қишлоғида яшовчи Нарзулло Ёркуловнинг ҳовлисида шода-шода кўсак боғлаб ётган 550 туп кўкнор ўстирилаётганлиги милиция ходимлари томонидан аниқланди. Китоб туманининг Шатри қишлоғида яшовчи Мухтор Худойбердиевнинг ҳовлисида 37 туп, Шароф Ёровнинг томорқасида эса 670, Эргаш Собировниқида эса 530 туп кўкнор ўстирилаётган экан. Кўкнорилар ўриб олиниб, ёқиб юборилди.

Бундан ташқари, Қарши шаҳрининг Казакова кўчасида яшовчи Тўра Пўлатовнинг уйдан 183,6 грамм гиёҳванд модда топилди.

БОСҚИНЧИЛАР
ТУТИЛДИ

УЧТА НОМАЪЛУМ шахс йўловчи машинага чиқишиб, бир жойга келганда ҳайдовчига тўхташни буюрдилар. Машина тўхташи билан учаласи сичқонга ташланган мушукдай ҳайдовчи устига епирилишди. Улар босқинчилик йўли билан автомашинани эгаллаб, эгасини чил-вир билан бўғиб, шаҳарча йўлида жойлашган ферма тўғрисида ту-шириб қолдиришди. Ўзлари эса автомашинани миниб қочишди.

Қарши шаҳар ИИБ ходимларидан иборат оператив гуруҳ олиб борган ҳаракат туфайли босқинчилар қўлга тушди.

ҲУЖЖАТСИЗ БЕНЗИН

ЗИЛ-133 РУСУМЛИ 70-89 БХЛ давлат белгилли автомашина ҳайдовчиси Хусан Ҳайдаров Бухоро вилоятининг Гиждувон туманидан Сурхондарё вилоятига ҳеч қандай ҳужжатсиз 10 тонна бензинини мўмай пул топиш илнжидида олиб кетаётганда Қашқадарё вилоятининг Косон тумани ДАН постида ушланди. Айна пайтда суриштириш ишлари ўтказилмоқда.

КАПТАР ЎҒРИЛАРИ

ОДАТДА ТИНЧЛИК ва осойишталик рамзи ҳисобланмиш каптарга инсон меҳри бекиёс. Унинг парвозига инсон ўз хаёлларини боғлайди. Аммо шу қанотли жониворларга тузоқ қўювчи кимсалар ҳам учраб турибди. Фуқаро Тўлсин Бойматовнинг 28 та каптари ва бир дон ахўрози ўғирланди. Каптар ўғрилари Қарши туманидаги "Насаф" давлат ҳўжалигида яшовчи 30 ёшли Ҳалим Т. ва Зокир Б.лар бўлиб чиқди. Ҳозирда улар қўлга олиниб, устидан суриштириш ишлари кетмоқда.

02 ХАБАР ҚИЛАДИ

КУЙГАН ЖАСАДЛАР

КОСОН ТУМАНИ ИИБга Оқтепа-Бўлмас йўлининг 3-чақиримида "ВАЗ-21011" русумли А 07-87 КФ белгилли автомашина ёқиб юборилгани тўғрисида хабар тушди. Автомашина салонида икки шахснинг куйган жасадлари топилди. Изқуварларнинг сай-ҳаракати билан бу қотиллик сири фош бўлди. Ўлдирилган шахслар Ислон Ғаниев ва Аваз Примовлар бўлиб, қотиллар уларни ўлдириб, машина билан биргаликда ёқиб юборишган экан.

Бу ваҳшийликка қўл урган шахслар қўлга олинди. Улар П. Нормат, Қ. Нормат, Қ. Хайрулло ва Ш. Ғазлидинлар бўлиб чиқдилар.

ҚОТИЛ ХИБСАДА

ҚОТИЛ МУРДАНИ каналга ташлаб юборсам оппа-осон қутилам, деб ўйлаб янглишди. У ўзича бу сири Шерлок Холмс ҳам фош этишда юлдуз санаб қолади, деб ўйлаган бўлса ажабмас. Бироқ изқуварлар ҳамиша айерликка оқиллик билан тузоқ қўйиб келганлар. Ўша кун кечга яқин Б. Шавкат ўз уйининг меҳмони Йўлдош Омонов билан жанжаллашиб қолиб, унинг дуч келган жойига атверка санчиб, ваҳшийларча ўлдиради. Сўнг из яшириш мақсадида мурдани ўзига тегишли мотоциклда олиб бориб Қарши каналига ташлаб юборади.

Изқуварларнинг ҳаракати туфайли қотил қўлга олинди.

ЎҒРИ ЧЎПОН

С. БЕРДИҚУЛ Нишон туманидаги "Қашқадарё" давлат ҳўжалигида чўпон бўлиб ишлайди. Ойлигинг куйса куйсин, кунлигинг куймасин қабилида чўлиги Н. Илҳом ва ҳамтовоқлари Д. Одил ва Ш. Турғунлар билан фуқаро Нуриддин Жабборовнинг 12 бош қўйини ўғирлаб, из яшироқчи бўлганда тумшукларидан илиндилар. Эсиз, изқуварлар панд бермаганда уларнинг чўнтаклари даста-даста пуллардан қаппайиб кетармиди? Орзуси рўебга чиқмади. На илож. Кўргилик экан.

КИМ ҚОЧИБ ҚУТУЛГАН

С. Акмал Китоб шаҳрининг жамғарма банки рўпарасида фуқаро С. Назаровни ўзига тегишли "ВАЗ-2103" русумли, 3 76-77 КФ белгилли автомашинаси билан уриб юборади. Бироқ у жабрланувчига ердан кўрсатиш ўрнига ким кўриб ўтирибди қабилида воқеа жойидан "қуён" бўлади. ДАН ходимларининг тезкор ҳаракатлари туфайли қочоқ шофер ушланди. Ким жиноят қилгандики қочиб қутулган?

АЛДАМЧИЛИК ТУЗОҒИ

ИШИНИНГ ТАЙИНИ йўқ такасалтанг С. Баҳриддин ўзи билан бир кўчада яшовчи Раҳмат Қудратовнинг ишончига қириб: "Турмуш ўртоғининг мойли жойга ишга киритаман", дея қоп-қоп ваъда беради. Бундан ҳаволанган Раҳмат тала-тилагининг деб юборганини билмай қолади. Бундан Баҳриддин чойга солинган оқ қанддай эриб: "Биз камтармиз, 2 "лимон" яна арок ва "Армутоғ"дан бўлса", дея кўз учиради. Қудратов турмуш ўртоғидан суюнчи олиб, 1 миллион 700 минг сўм, 40 шиша арок, 20 шиша "Армутоғ" виносини Баҳриддинга орадан кўз юмиб очгунча вақт ўтмай элтиб берди. Аммо орадан икки ой ўтаптики Баҳриддиндан садо йўқ. Ҳар учрашганда: "Ишнинг яхшироғи топилмапти", дея баҳонадан нарига ўтмайди. У мижозига алдамчиликдан тузоқ қўймоқчи эди. Тузоқ ипи узилди. С. Баҳриддин қўлга олинди. Фирибгар Яккабоғ туманидаги Олмазор кўчасида ашайди. Унинг устидан тергов бошланди.

КЎКНОРФУРУШ МУАЛЛИМ

БАҲОРИСТОН туманидаги Гагарин номли ўрта мактаб ўқитувчиси Сади Полвонов томорқасида ширин-шакар мева-сабзавот етиштириш ўрнига кўкнор экиб, уни мунтазам парваришлаб борди. Пул курсин-а, пул курсин. Мўмай пул дардида ёнган ўқитувчи кўкнор ўсимликларини ўстирганиликда уятдан ер чизиб қолди. Унинг томорқасидан 1109 туп кўкнор ўсимлиги ўриб олинди. 56 ёшли муаллим ўқувчиларини "соғлом авлод" руҳида тарбиялашнинг антиқа усулини ўйлаб топдимикан? Нима бўлганда ҳам унинг услубиети жамоатчиликка маъқул тушмади.

БУРГАГА АЧЧИҚ ҚИЛИБ...

ГОҲО ОИЛА арзимас ту-шунмовчилик билан эру хотин ўртасида жанжал чиқиши табиий. Аммо ақл ҳар қандай жаҳл отини жиловлашга қодир. Баъзида бургага аччиқ қилиб ўзини ўтга-чўққа уривчилар топилганда оғир бўлиниг дейиш ўзбекларга хос одат. Ғузур туманида яшовчи 20 ёшли

Зебо Сафарова эса турмуш ўртоғи Шоди Халилов билан жанжаллашиб қолиб, ўз уйида сақланаётган марғумуш эритмасини ичиб, заҳарланиш туфайли касалхонага туш-

ди. Бундан кимга фойда? Оғримангон жонини оғритиш шартми? Бундайларга жаҳлнингиз чиққанда ақл ишлатинг деймиз, холос.

Саҳифани Қашқадарё вилояти ИИБ матбуот гуруҳининг катта инспектори, милиция катта лейтенанти У. ҲАЙДАРОВ тайёрлаган.



СУРАТЛИ АХБОРОТ




Қашқадарё вилояти Ғузур тумани ИИБ ходимлари ҳуқуқбузишлар ва жиноятларга қарши кураш борасида катта иш олиб бормоқдалар. Ҳозирги йилда жиноятлар очилишининг умумий саямоғи 88 фоиздан ошмоқда, жиноят қидирув йўналишида ҳам манзара ана шундай.

Бунда туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Б. Аҳмедовнинг уюштирувчилик роли салмоқлидир, у Ички ишлар бўлимининг шахсий таркибини туманда жамоат тартибини сақлаш ва мустаҳкамлашдек ягона мақсад сари жипслаштиришга муваффақ бўлди.

Суратларда: туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Б. Аҳмедов ўзининг ўринбосари, милиция капитани И. Қодиров билан тезкор тадбирлар режасини муҳокама қилмоқда; ИИБ навбатчилик қисми навбатчиси, милиция капитани С. Қаландаров ички ишлар идораларида ўн йилдан ортқ вақтдан буён ишлаб келади, кўп хизматларда ишлаб катта тажриба орттирган, шунинг учун ҳозирги лавозимида ҳам доим ишнинг кўзини билиб, моҳирлик билан ишляпти; тақсими ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти С. Ҳўжақулов ўтказмоқда.

Х. ШОДИЕВ олган суратлар.



ТОҒ ТОНҒИ шу қадар шитобли ва ерқинки, одамни ҳайратга солиди, ранглар кўз ўнгинида алмашади. Мана, кулранг тутунсимон уфқ тез қизарди, сўнгра еришди. Қуёш худди отилиб чиққандай, тантанавор нур сочди. Қушлар сайрашга тушди — ҳаёт уйғонди.

Чирчиқ дарёсининг баланд чўққилардан ҳайқириб тушаётган тиниқ суви феруза тусга кирди. У шундай шиддат билан оқмоқдаки, кўнмаган одамнинг қараб туриб ваҳми келиши турган гап. Сувга қармоқ ташлаб ўтирган одамларнинг кўриб ўқдай отилиб оқаётган сувда балиқ қандай яшашига ақлинг бовар қилмайди.

Қирлар бир-бирларини ҳам ендан, ҳам ортдан тўлдириб кўз илғамас томонларга кўтарилиб кетган. Улар бориб-бориб қояларга айланади. Ана шу қирлару тоғлар орасида чўзилган дарага Бўстонлиқ тумани жойлашган. Унинг узунлиги 220, эни ўртача 40 километр бўлиб, 146,5 кишидан ортқ аҳоли яшайди.

Мана, икки бор пичан устида митти болакай келмоқда. Пичан худди ўзи юраётгандай, чунки тагида ўрмалаётган кичкина этак кўринмайди. Бошига тоғора қўйган қизлар, аёллар. Хуллас, меҳнаткаш одамлар тиним билмайди.

Яйловларда моллар жимгина ўтлаб юрибди, устига кўниб олган майналарга ҳам парво қилмайди. Улар кечга яқин секин уйларга ўзлари қайтиб боради. Шунинг учун эгалари молларига бепарво, бошқа юмушлар билан банд. Ораларида попок, текинхўр, ўғриллар борлигини ўйлаб кўришмайди. Ўғриллар эса мана шундан фойдаланишди. Даладан бирин-кетин моллар йўқола бошлади. Барча оғирлик милицияга тушди, жиноят-қидирув бўлими ходимларининг ҳаёли туну кун ўғрилари топиш билан банд эди. Илгаридай муқаддам судланганлар бирма-бир текшириб чиқилди. Улар эмасди. Ким бўлиши мумкин? Албатта, бекорчилар-да. Бекорчи, лекин пули борлар назардан кечири банди. Ўғриллар эса моллар қўлиб олганга “хужум”га ўтишди.

Милиция бўлимига ариза устига ариза етиларди. Ўғрилари топиш керак қандай бўлмасин. Қанча кечикилса, ўғрилик шунча кўпаймоқда. Аксинча, милиция ўз ишига нолойиқ. Юзлаб одамларнинг яшаш тарзи, тирикчилик манбаи ўрганилди. Ўғриллар ҳеч қандай из қолдирмас эди, чунки ўз озодликларини тиккандилар-да.

Лекин “қинғир ишнинг қийиғи...” деганларидай, калава уч кўрсатгандай бўлди. Бир тирикчилигининг тайини йўқ кимсаникида сизир пайдо бўлибди.

— Битини сотиб сизир олармиди у, — дерди хабар берган киши куюниб.

Шундай қилиб, калава чувалаверди-чувалаверди. Чунки кўп мол ўғирланганди-да. Охири, яхшигина уюшган гуруҳ иши судга топширилди. Бир дарёдан сув ичиб, бир ҳаводан нафас олиб, ўз ҳамюртлари молига кўз олайтирган “тиканак”лар С. Ишабоев, А. Шерембетов 14, М. Жумаев — 11, А. Шораев 7 йилга тиканли симлар ортга жўнатилди.

“Тиканак”лар фақат булар эмас. Масалан, бултур 11 та қотиллик бўлди. Бу эса профилактика ишларига бор куч ва имкониятни қаратишга мажбур қилди. Жиноятчиликка қарши қонуннинг кучайтирилиши ҳам қўл келди. 1994 йил ярмигача 3 та қотиллик юз берди, ҳаммаси очилди, давлат мулкни ўғирлаш

14 тага камайди.

Одамлар жиноят барибир жазосиз қолмаслигига ишона бошладилар.

МИЛИЦИЯ ходимлари анча юргач, каттагина ирмоққа дуч келдилар. Сўқмоқ ирмоқ еқалаб давом этарди. Сал нарида ирмоқни қор тўсиб қўйган, у қуёшдан панада бўлгани учун эримаганди. Сув қор орасидан ковак ўйиб оқар эди. Қирғоқни ўт-ўланлар қоплаган, қинғир-қийшиқ қайинлар ўсганди. Тор сўқмоқдан юриш қийин. Катта тош ортидан озгин, сарғиш тулки калласини қийшайтириб мўрафади, мижжа қоқмай қотди. То йўловчилар ўтиб кетгунча қимирламай кузатиб турди.

Жиноят-қидирув бўлими ходимлари яқинда топилган мурданинг кимлигини аниқлашлари зарур эди. Сувдан бир оёри ва бир қўли кесиб ташланган эркак жасади чиқди. Унинг ваҳшиена ўлдириб сувга ташлаб юборилгани аниқ эди. Одам

кўришни қийинлаштирарди. Сув омборига етиларди. Ёмғир кучайган, сув юзи миллионлаб пуфакчаларга тўлганди. Омбор ҳалқаси бўйлаб боришаркан, йўлнинг 54-чақиримида Наволисой қирғоғида минг-минг тонна тупроқ сурилиб тушганди. Хатар мана шундан бошланди. Дарҳол Хўжакеңт йўл қуриш ва таъмирлаш бошқармасига хабар берилди. Йўл епилди, кўрсаткич белгилар қўйилди.

Кенг кўламда текшириш бошланди. Ёмғир жалага айланган. Саноксиз дўнгликларнинг сел ўйган қовурғаларидан илондай беланглаб сариқ бўтана сув оқар эди. Самандар Мирзаев йўлда давом этди. Бешқайроғочсойга келганларида тагин дахшатли воқеа юз берди. Ақл бовар қилмас даражадаги лой-тупроқ ваҳимали шалдираб босиб келарди. Кўчки ҳар қандай транспорт, одам ёки жониворни ямламай ютиб юборишга қодир эди. Яна бошқа жойлардан ҳам ташвишли хабарлар олина бошланди. Кўлобсой,

— Ҳали бунақаси бўлмаган, — дерди саксон ешдан ошган Норўлат бобо. — Сув қонсирган! — У тинмай дуо ўқир эди.

Сел сойдаги учта кўприкни оқизиб кетди.

Аҳолини уюшган ҳолда кўчириш лозим эди. Одамларга милиция билан бирга “Бўстонлиқ” жамоа хўжалиги раиси Собит ака Маматкаримов ва “Ёнбек” жамоа хўжалиги раиси Бейсен Асановлар оталарча бош бўлдилар. Қорамозор, Чакчам, Учбоз қишлоғи аҳолиси эсон-омон хавфсиз жойга олиб чиқилди.

Жала уч ярим кечаю кундуз давом этди. Шу пайтда 147 та хонадон кўчирилди, инсонлар ҳаёти асосий мол-мулк асраб қолинди. Ваҳоланки, бу йил юз берган офат илгари кўрилмаганди.

Шундай қилиб, Республикамиз ҳукуматининг ҳушёрлик билан олдиндан табиий офатга тайёр туришга чақириғи, туман раҳбарлари ва милиция ходимларининг жонбозлиги туфайли талафотга йўл қўйилмади.

ТАБИЙИЙ офат ўтди. Ирмоқлар ва дарё суви тиниқлашди, йўллар, кўприклар тузатилди. Осмон тиниқ, қуёш чарақлаб турибди. Милициянинг иши эса ҳамон кўп. Чунки дам олиш мавсуми бошланди. Оромгоҳлар, дала ҳовлилари одамларга тўлди. Уларнинг тинчлиги ва осойишталигига ҳам милиция жавобгар. Езда туманда одамлар сони миллиондан ошиб кетади. Милиция ходимлари сони эса ҳар доим бирдай, бошқа туман бўлимларникидан фарқ қилмайди.

Тоғ манзарасидан баҳра олиш учун бир кунга келиб-кетувчи “дикар”лар қанчаю... Улар ҳаётига ҳам милиция жавоб бериши керак. Масалан, бир йили сув бўйидан бир аёлнинг пажмурда жасади топилди, кўрган одамнинг эти сесканиб кетарди. Калласи йўқ, сийналари кесиб ташланганди. Мурданинг калласи юз қадамча нарида етар эди. Қидиришлар натижасида маълум бўлдики, бу ҳам 52 аёлини зўрлаб, кейин қассобларча ўлдирган Ростов шаҳрилик машҳур Чикатилонинг иши экан. Ташкентга хизмат сафарига келиб ўзидан қонли из қолдириб кетибди. Бу юртга ташриф буюрувчиларнинг ҳаммаси ҳам гўзал манзарадан ҳузурланиш ниятида эмас.

Туман Ички ишлар бўлими бошлиғи Умар Умиров, муовинлари Самандар Мирзаев, Тоҳир Расултоев ва Абдували Жилқайдаров, Руслан Гайфулин, Абдували Тўраев, Эржигит Фозилов, Тўлқин Аулубеков, Мирзатилла Саъдуллаев, Бахтибек Алиев, Шухрат Эрматов, Тождин Абжалоов, Бахтиёр Тўраев, Иззатилла Эрматов, Озод Мирсайдов каби фидойилар ана шундай шароитда ишламоқдалар.

Энди, шу ўринда бир фикрни айтиб ўтиш лозим. Ким кафолат беради, бу йилги табиий офат такрорланмайди, деб. Чорасини кўриб қўйиш керак, кўза кунда эмас, кунда синиши мумкин. Чунки “Юртимизда бир кунда тўрт фаслни кўрасиз” дейишди бўстонлиқликлар.

Аммо умуман яшаш мумкин эмас, деб кўчириб юборилган хонадонлар тагин жойига қайтиб келиб истиқомат қилмоқдалар. Бу муаммони албатта ҳал этиш зарур.

Хуллас, Бўстонлиқнинг бўстонларида офат ва “тиканаклар” бўлмасин.

Ориф ФАРМОНОВ.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Ўзбекистон ИИБ Марказий поликлиникаси бошлиғи муовини, ички хизмат майори **Д. А. ХАМИДОВА**га.

Хурматли **Дилором Азизовна!** Республикамиз мустақиллиги кунини арафасида Сизни муборак 40 ёшга тўлишингиз билан табриклар эканмиз, Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз туфайли поликлиникамиз замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланганини мамнуният билан қайд этамиз. Ходимларнинг саломатлигини тез тиклашга ердан берадиган сув билан даволаш бўлинмалари ва, айниқса, бўлажак оналарга кўрсатилаётган тиббий муолажаларнинг яхшиланиши қувонарлидир. Сизни дўстларингиз ва ҳамкасбларингиз қутлаб, сиҳат-саломатлик, омонлик тилаб қоладилар.



Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖТСБга қарашли алоҳида милиция бўлимининг навбатчи катта инспектори, милиция катта лейтенанти **Тўйчи Нурматович АЛИЕВ**ни 27 августда 37 ёшга тўлиши билан самимий табриклаймиз. Сизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, масъулиятли хизматингизда катта муваффақиятлар тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖТСБга қарашли алоҳида милиция бўлимининг раҳбарияти ва шахсий таркиби.



Олмалик шаҳар ИИБ кўриклаш бўлимида хизмат қилаётган дадажонимиз, милиция сержанти **Машраб АХМЕДОВИЧ ХУДОЙБЕРДИЕВ**ни таваллуд топан кунлари муносабати билан чин дилдан табриклаймиз. Дадажонимизга фақат саломатлик тилаб, ҳамisha бор бўлсинлар деймиз.

Эхтиром билан қизлари **УМИДА, НАСИБА, РАФИКАСИ МАВЖУДАХОН.**

...ГАНИШЕР ва Рашид (исмлар ўзгартириб берилмоқда) алламаҳалгача ўтириб, икки пиша ароқни "майдалашди". Кайфлари анча "таранглашгач", Ганишер шеригига кўнглини ёзди:

— Анчадан бери ажойиб бир режа устида бош қотираётман, — гап бошлади Ганишер. — Агар ўша ишни амалга оширсак, пичогимиз мой устида бўларди. Салгина жон қийнасақ чет эл "тойчоғи"дан ҳам миनावеришимиз мумкин.

— Қандай режа у? Нима қилишимиз керак? — шошилганича қизиқиб сўради Рашид.

— Ҳовлиқма, ҳаммасини вақти келганда билиб оласан.

Орадан бир неча кун ўтгач, бу икки дўст Хива шаҳрида яшовчи эски танишлари, II-гурӯх ногирони Бекпошша Тиллаеванинг уйига келишди. Кўнгли очик уй бекаси хаста бўлишига қарамай меҳмонлар олдига дастурхон ёзди. Сўнгра овқат тайёрлашга тушди. Ганишер хонада ёлғиз қолишганидан фойдаланиб, Рашиднинг туртки ва унинг қулоғига шивирлади:

— Бунинг (Бекпошшани назарда тутаяпти) пули кўп. "Ўлжа"га эгаллик қилишимиз учун уни йўқ қилишимиз керак. Қўлга киритилган "Ўлжа"га келсак, уни

бир неча минг баробар кўпайтириш режасини ҳам ўйлаб қўйдим.

— Қандай қилиб? — сўради Рашид.

— Тожикистондан ўша пулларга турли қимматбаҳо моллар келтириб сотамиз. Қарабсанки, тез кун ичида "ишбилармон"лигимиз кўринади. Йирик пулдорлардан бирига айланамиз.

— Режангизга қарши эмасману,

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО ҚОНСИРАГАН ҚОТИЛЛАР

лекин, кўни-қўшнilar пайқаб қолишса... — хавотирланди Рашид.

— Чумчуқдан кўрққан тарик экмайди, хомкалла. Асосий ишни ўзим бажараман. Сен ёрдамлашиб турсанг бўлгани.

Шу пайт хонага иссиққина овқат кўтариб Бекпошша кириб келди. Йигитлар ширингина овқат билан бир пиша ароқни бўшатишди. Ана шундан сўнг Ганишер қора ниятини амалга оширишга киришди. У аввало қонсираган қўллари билан Бекпошшани бўға бошлади. Рашид

эса уй бекасининг типирчиламаслиги учун оёқ-қўллари маҳкам босиб турди. Лекин бечора аёл қонхўрлар қўлида ҳадеб жон беравермади. Уни тинчитолмаган каллакесарлар кўзига қон тўлди. Рашид нима қиламиз дегандек шеригига қаради. Инсон қиефасини йўқотган Ганишер ёнида турган ўткир тигли пичоқни жон талвасасида хириллаб нафас

қулфлади-да уй калитини ариққа улоқтирди. Сўнгра вақтни ўтказмай кўздан ғойиб бўлишди.

Эртасига бу қонхўрлар олди-сотди билан шуғулланиб бойлик орттириш ниятида Тожикистон Республикасига йўл олишди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Бекпошшанинг қўшнilarи уйларида газ ҳиди борлигини сезиб, шаҳар газлаштириш корхонасига

хабар қилишди. У ердан келган мутахассислар негадир бу газ ҳидига ўхшамаётганини айтишди. Шундан сўнг улар қўшнilar билан биргаликда Бекпошшанинг уйига киришди. Не кўз билан кўрсинларки у ердаги жасад... Бу вақшларча қилинган қотиллик юзасидан Хива шаҳар ва туман ИИБда тезкор гуруҳ тузилди. Тезкор гуруҳ воқеа содир бўлган жойни пухта ўрганди.

Олиб борилган қидирув ишлари натижасида жиноятчилар ушланди.

Улардан бири Тожикистон Республикаси фуқароси Ганишер Н. бўлиб қикди. У ҳеч қерда ишламай Хива шаҳрида яшаб келган. Иккинчи қотил Рашид А. бўлиб, Хива туман, Б. Нуруллаев номли жамоа ҳўжалигида яшаган.

Қотилликка қўл урган Ганишер Тожикистондан Рашиднинг уйига — Хивага шошилиночмома жўнатади. Унда Рашид бетоб бўлиб қолганлиги сабабли уйига тез орада қайтолмаслиги езилганди. Аммо айер қонхўр Ганишернинг мақсади — ёлгон телеграмма жўнатиб, тирик гувоҳ бўлган Рашиднинг ҳам йўқ қилиш эди. Бироқ қутурган вақшнинг бу режаси амалга ошмади. Хива шаҳар ва туман ИИБ ходими, милиция катта лейтенанти Илҳом Машарипов ҳамда вилоят ИИБнинг ЖҚБ бир гуруҳ ходимлари жиноятчиларни Тожикистонда қўлга олдилар.

Ачинарли томони шундаки, бу қонхўр вақшларнинг бири 28, иккинчиси эса эндигона 20 ёшга кирган.

Қ. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Хива шаҳар ва туман ИИБ
бошлигининг муовини, милиция
майори.
Х. ЖАББОРОВ,
«Постда» мухбири.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

ҲАР БИР ОТА-ОНА фарзанд тарбиялар экан, уларни ўқимишли, одобли, ҳалол бўлишини, барча яхши фазилатлар билан эл-юрт назарига тушишларини орзу қилади. Ака-ука Рўзи ва Рафиқ Тўхтаевларнинг ота-онаси худди ана шундай эзгу ният билан уларни вояга етказган эди. Афсуски, не-не кийинчиликлар билан ўстирган, ўзлари емай

дидан ажралиб қолишини, жигари Рафиқнинг бошига ҳам изтиробли кунларни солишини ўйлаб кўрганмиди? Ўйлаб кўрган бўлса нега бундай қалтис ишга қўл урди?! Еки текин даромад орттириш истаги устун келдими? Ахир Рўзи унчалик ёш эмас-ку, кўнглига келган ҳар бир ишни ўйламасдан қилаверса? Кўпчилик қатори "Ишонч" фермер ҳўжалигида тинчгина меҳнат

жойга тўртовлон тўпланишгач, Рўзи уларга йўл-йўрик берди. У қўлидаги темир лом билан товукхонанинг тахта тўсиқларини кўпориб, шерикларининг ҳар бирига қоп тутқазиб, товукхонага киритиб юборди. Ўзи эса эшик олдида қоровуллик қилиб турди. Улар ҳар бири 10.000 сўм-купон турадиган товуклардан 48 дона ва 12 дона хўрозни қопларга солишди. Кечқурунги сменада ишлаётган ишчилар шовқин-суронни эшитиб, воқеа жойига етиб келишди. Бундай бўлишини кутмаган ўғрилар шошиб қолиб, товукларни ташлаб қоча бошлашди.

Жамоа ҳўжалиги ишчилари гуруҳ раҳбари Р. Тўхтаевни ушлаб олдилар. У жон-жаҳди билан қаршилиқ қилиб, қочишга ҳаракат қилди. Уни ушлаб турган Р. Пўлатовга енгил тан жароҳати ҳам етказди. Бироқ ишчилар кўпчилик бўлгани учун ҳам у қочиб кетолмади. Воқеа содир этилган жойдан ўғирланган товук ва хўрозлар, ўғриларга тегишли бўлган қоплар, сарик пуфайка, телпак далилий ашё сифатида олинди. Тергов давомида ўғирлик содир этган барча шахслар аниқланди.

Вобкент туман суди ўғриларнинг ҳар бири хатти-ҳаракатига муносиб баҳо бериб, гуруҳ раҳбари Р. Тўхтаевни 5 йил, унинг укаси Р. Тўхтаевни 4 йил, Р. Яхшиевни 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этиб, жазони кучайтирилган режим ўрнатилган ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида ўташ, мол-мулкларини эса давлат фойдасига мусодара қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Жиноий гуруҳнинг энг ёш аъзоси С. Яхшиевнинг ёшлигини ҳисобга олган ҳолда суд хайъати уни 3 йилга озодликдан маҳрум этиб, белгиланган жазо ижросини 2 йилга кечиктирди.

Ушбу жиноий воқеани езишдан мақсад, тўрт навқирон йигитнинг қилмишини элга баён этиш эмас, балки уларнинг ўйламай қилган ишлари, аянчли тақдирлари бошқалар учун сабоқ бўлишидир.

Аслон ЖўРАЕВ,
Вобкент тумани суди раиси.
Шухрат ҚўЛДОШЕВ,
Бухоро вилояти ИИБ матбуот гуруҳи
ходими, милиция майори.

ФАРЗАНД НОҚОБИЛ БЎЛСА...

едириб, ўзлари киймай кийдириб, бировлардан кам қилмай катта қилган фарзандлари уларнинг барча орзуларини чиппакка чиқаришди. Қишлоқдошлари олдида юзларини шувит қилиб, бошларини ерга эгишди. Фарзандларимиз бўй чўзиб қолишди, энди уларнинг ардоғида яшаймиз, деган ширин орзулар бир кечада саробга айланди. Биратўла оиланинг икки фарзанди "ўғри" деган тавқилаънатни олишди.

Рўзи ўз қилмиши билан фақатгина ота-онасининг олам-олам орзу-умидларини, қанчадан-қанча машаққатли меҳнатларини чиппакка чиқариб, уларни бир умрга виждон азобида солгани етмагандек, эзгу ният билан бир естикча бош қўйган ёшгина жувоннинг бошига 5 йиллик ҳижронни, эндигона дунёга келган норасидани эса 5 йилга оталик меҳрини туйишдек бахтдан маҳрум этди.

Устига устак иқтисодий қийинчиликлар шароитида уларга тегишли бўлган мол-мулк давлат фойдасига мусодара қилинди.

Рўзи жиноятга қўл уришдан олдин яқин кишиларини шунчалик азобга қўйишини, ёшгина жуфти ҳалолнинг қалбини тилка-пора қилиб, кўзидан изтиробли ҳижрон ешини оқизишини, норасида гўдагининг бир неча муддатта оталик меҳридан жудо қилишини, неча йиллардан бери толган бор-бу-

қилиб, қозонини қайнатиб турган эди-ку! Нима бўлганда ҳам у катта хатога йўл қўйди. Бу хатонинг азобини фақатгина Рўзининг ўзи эмас, эндиликда унинг энг яқин кишилари ҳам тортмоқда.

Р. Тўхтаевни ишлаб турган қишлоғи яқинида "Паррандачилик" жамоа ҳўжалиги жойлашган. У ерда сон-саноксиз товук боқилади. Агар шу ердан бир неча дона товук ўғирланса, ким ҳам билар эди. Товукларнинг барчаси эса тухум берадиган товуклар. Рўзгорни бемалол текин тухум билан таъминласа бўлади. У ана шундай хаёллар билан кун бўйи юрди. Товук ўғирлаш режаларини тузиб, кераклик нарсаларни ҳам тайёрлаб қўйди. Кечқурун унинг уйига жияни Сайфуддин ҳамқишлоғи Рауф билан сигарет сўраб келишди. Рўзи уларни кўриб қувониб кетди. Чунки у Рауфни яхши биларди, кўнгли бўш, ҳар қандай ишга қўндирса бўлади. Ниятини айтганда, ўзи кутгандай рози бўлди. Ўз навбатида у жияни Сайфуддинни ҳам бирига олиб боришга қўндирди. Рўзи қўшнilarнинг уйда видео кўраётган укаси Рафиқни чақириб қикди. Унга адоқдаги захкаш олдига кел, қамиш ўриб келамиз, деб тайинлади. Укаси қамишни эрталаб ўрсақ ҳам бўларди, дейишига қарамасдан, орқамдан юр, деб пўписа қилди. Тунги соат иккиларда айтилган



Сирдарё вилоят Сайхунбод туман ИИБ ўт ўчирувчилари ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, туман ҳудудида ёнгин бўлмаслигини таъминлаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг куч-ҳаракатлари билан ёнгин йўлига мустаҳкам ғов қўйилди.

СУРАТДА: туман ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Ў. Раҳимов (ўнгда) ва ёнгиндан сақлаш инспектори, ички хизмат катта лейтенанти Қ. Оллоқёров 8-ўт ўчириш қисми жангчилари билан суҳбатлашмоқда.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

Акс-садо

НАТИЖАНИ ХАЛҚ БИЛСИН

"Постда"нинг шу йил 15 июль сони биринчи саҳифасида чоп этилган ахборот — мақола анчадан бери юракда тугун бўлиб ётган фикрларни ечиб юборди.

Тан олиш керакки, Жиноят Мажмуасидан 175-модда чиқариб ташланганлигини ҳар ким ўзича тушунди. Олғир олибсатар, муттаҳамлар: "Биз чайқовчи эмас, тижоратчилармиз!" деб истаган ерларига танда қўйиб олдилар. Хўп, четдан мол олиб келганлари тижоратчи бўлсин, эътироз йўқ. Аммо Ўзбекистон ҳудудидаги корхоналарда тайёрланган совун, сигарет, ширинлик, печенье, музқаймоқ, минерал сув, шарбат, пиво, спиртли ичимликларни ўн-йигирма баробарга пуллаганларчи? (Ҳозир ҳам бундайлар керагича топилди) Уларнинг касрига ва давлат дўконларидаги нопок мудир сўтувчилар касрига аҳоли мушқун аҳолида.

Ҳозир тўйлар мавсуми, салқин ичимликлар анқога шафёз, спиртлигининг эса нархи осмонда! Яхшики, Президентимиз бу масалага ўз эътиборини қаратди. Йўқса, "Бизда чайқовчи йўқ", деб олғирлар ҳам, тегишли мутасадди идоралар ҳам бемалол юришганди. Чайқовчи давлат корхонасида тайёрланган молни қаредан олади? Албатта, дўкондан ёки маълум ошпазидан. Хўш, шу кунгача

чайқовчини таъминлаган, аҳоли ризқини қийган қанча савдо ходими жиноий жавобгарликка тортилди?

Ҳукуматимиз Жиноят мажмуасига қўшимча тарзда қабул қилган "Айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги 1993 йил 7 май Қонунига биноан Жиноят мажмуаси 173- ва 174-моддалар билан тўлдирилди. Хўш, юқоридаги "Нархларини суъий равишда кўтариш ёки баланд нархларни сақлаб туриш" ва "Сохта тadbirkorлик"ка оид бу моддалар бўйича кимлар жазо олди? Ахир, шулар эмасми иқтисодиётимиз раванқини орқага тортаётганлар? Шулар эмасми халқ ризқини кемирётганлар. Халқ, оддий халқ уларга қарши қандай чоралар кўрилганлини билиши керак.

Дилмурод САЙИД,
Тошкент шаҳри.

Таҳририятдан: Ҳар қандай қонун амал қилиниши билан кучли, фойдали. Шунинг учун бундан буён қонунга риоя қилиниши бўйича масъул идоралар, уларнинг ходимлари амалга ошираётган ишлар, кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида, халқимиз ризқига чанг солаётган олғирлар башарасини шош этуви мақолалар мунтазам бериб борилади.

ЎРТАЧИРЧИҚ туман Ички ишлар бўлимида кўп йиллардан бери хизмат қилиб келаётган А. Чориев кенг жамоатчиликка иқтидорли шоир сифатида танилиб қолган.

Абдурасул вилоят ҳудудида яшасада, милициядаги фаолиятини пойтахтда бошлаган эди. Оддий милиционерликдан катта зобитликкача бўлган йўлни босиб ўтди.

Кейин хизматни истикомат жойига яқинлаштириш мақсадида туманда участка вакили лавозимида ишлай бошлади. У ҳозир ҳам ана шу лавозимда хизмат қилади.

Ҳар қандай участка вакили сингари Чориевнинг ҳам ташвишлари бошидан ошиб етибди. У хизмат қиладиган ҳудуд бевосита пойтахтнинг Бектемир тумани билан чегарадош. Шу сабабли участкада иш доимо қизғин.

Абдурасул аканинг иштирокида милициянинг иккита участка вакили бор. Майор А. Носиров ва капитан М. Саидазимов тажрибали ходимлар бўлиб, Чориевнинг ортиқча ўргатишларига ҳожат ҳам қолдиришмайди.

Чориев ўз ходимлари билан кенгаш ўтказган пайтларда албатта ҳисобда турган шахсларга эътиборни қаратади, улар орасида муқаддам судланганларни алоҳида таъкидлаб тилга олади. — Бу ки-

шилар, — дейди у, — қонун билан ихтилофда бўлган, орномус ва ҳалоллик ҳусусида нотўғри тушунчадаги шахслардир. Бинобарин, улар ҳуқуқбузишларга ҳаммадан кўпроқ мойил бўладилар.

Дастлабки уч ойнинг ўзидагина Чориев озодликдан маҳрум этиш жойларидан қайтиб келган, муқаддам судланган беш кишини кўшимча равишда ҳисобга олди. Бўш иш жойларининг етишмаслигига

туғила бошлайди.

Унинг энг севган мавзуларидан бири — Ватан, мустақил Ўзбекистон мавзуси. Ўз шеърларида Чориев Республикани унинг ўғли, фуқароси сифатида мадҳ этади, шунинг учун унинг шеърлари мохиятан содда бўлсада самимийлик билан йўғрилган.

Абдурасул аканинг кўп шеърлари деҳқоннинг оғир меҳнатига бағишланган, улардан “оқ олтин” етиштирувчи толмас

ШЕЪР ИШКИДА

қарамай, катта участка вакили уларнинг ҳаммасини ишга жойлаштиришга муваффақ бўлди.

Абдурасул ака ўз хонасида ярим кечагача қолиб кетади. У бугун қилиш мумкин бўлган иш-ни эртага қолдиришни хуш кўрмайди. Уйга одатда ярим тунда қайтади, бу вақтда ҳамма уйкута кетган бўлади. Айни шу дақиқаларда Чориев учун ижод палласи бошланади. Оила аъзоларини уйғотиб юбормаслик учун аста юриб, столдан ёзилмаган қоғозларни олиб, кўшни хонага чиқиб кетади. Сокин тунда шеърини мисралар

қўллар қуйланади.

Чориевнинг ўзи эътироф этганидек, унинг шоирлик иқтидорини юзага келишида жaxon адабиётининг Навоий, Ҳамза, Жомий сингари мумтоз вакиллари, шунингдек Уйғун, А. Орипов, Э. Воҳидов сингари замондош шоирлар ижоди катта таъсир кўрсатган.

Ҳозир ҳам Абдурасул ака устоз шоирларнинг асарларини соатлаб муталаа қилади, уларнинг олға сурган фикр ва гояларидан илҳом олади.

Катта участка вакилининг “Қарши тўлкини” деб номланган шеърини тўплами нашр этилган.

Унда муаллиф ўз ёшлигини, 18 ёшида Қарши чўлида Пачкамар сув омборини қуришда иштирок этганини хотирлаган.

Чориев бўш-тақир чўлда кишилар учун жуда зарур сув омборини биргаликда қурган дўстларига кўплаб ажойиб мисраларни бағишлаган.

Абдурасул аканинг шеърлари жуда ранг-баранг. У ҳуқуқ-тартибот посбонларини ҳам эсдан чиқармайди. У милиция мавзусида шеърларнинг бутун бир туркумини яратган, улар орасида милициянинг 50 йиллигига бағишланган шеърлар алоҳида ажралиб туради.

Чориевнинг ижодий режалари катта. У милиция участка вакилларининг серташвиш фаолиятига бағишланган дoston устида ишлаш ниятида. Бунинг учун материаллар етарли. Ҳаёт ҳам янги-янги фактларни тақдим этиб турибди.

Абдурасул аканинг ижод маҳсули аввало унинг оиласида муҳокама қилинади. Унинг фарзандлари, айниқса олий ўқув юрларида ўқийдиган икки ўғли шеърларни таҳлил қилишни яхши кўрадилар. Улар ўз танқидий мулоҳазаларини рўй-рост айтадилар, Абдурасул ака улардан миннатдор бўлади.

Ш. АХМЕДОВ,
милиция подполковниги.

МИЛИЦИЯ ЎРДАМИДАН ВОЗ КЕЧИБ...

милицияни ёрдамга
чақиришди

Яқинда Жаҳон тиллари университетида ўғирлик содир этилди. Ўқув биносидан учта магнитофон, аудио магнитофон, ксерокопия аппарати, компьютер ва 32 дона компьютер дискетлари ўғирланди.

Эртаси кuni воқеадан хабар топган маъмурият милицияга мурожаат қилди. Акмал Икромов тумани Ички ишлар бўлими жиноят-қидирув ходимлари ўғирларни топишди. Улар шу ўқув даргоҳида монтер бўлиб ишловчи Сергей Х. ва унинг шериги, иш жойи бетайин Дима М. экан.

Жаҳон тиллари университети маъмурияти қўриқлаш бўлими билан бўлган шартномани шу йил 1 апрелда узишган. Натижада университет биноси милиция ходимлари томонидан қўриқланмайдиган бўлганди. Маъмурият арзимаган пулдан қочиб, валюта эвазига сотиб олинган қимматбаҳо замонавий видео ускуналарида ажралиб қолишларига сал қолди.

Охир-оқибат уларнинг жонига яна милиция оро кирди...

М.АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот
гурухи ходими.

ҚОРАҚУМНИНГ ҳамма нарсани қовжиратувчи жазираси нафас олишни қийинлаштиради, қуёш ботгандан сўнггина бу ерга озгина салқинлик тушади. Бу ерларнинг табиати нақадар нозик ва ўзгарувчан эканлиги ҳусусида беихтиёр уйга толасан: эзда чидаб бўлмайдиган даражада жазирама бўлса, қишда этни жунжиктирадиган совуқ шамол эсади. Айтмоқчи, браконьерлар бундай ҳаёллардан қоли, улар фақат бир нарсани — гоятда ваҳшийлик қилиб бўлсада ҳар қандай йўл билан чўнтакни қаппайтиришни ўйлайдилар.

...Бухоро вилояти ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлимининг катта инспектори, милиция капитани Мурод Ражабов, шу бўлим инспектори, милиция катта лейтенанти Карим Офоқов ва каминадан иборат бўлган тезкор гурухимиз Олот туманига келди, бизнинг вазифамиз браконьерлик фактларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш, шунингдек ана шу йўналишда профилактика ишини олиб бориш эди. Бухоро вилояти ҳайвонот ва ўсимликлар дунесини қўриқлаш бўйича давлат назоратининг катта давлат инспектори, биринчи тоифадаги мутахассис Ғулом Жумаев ҳам ушбу гурух таркибида бўлиб, у бу ерларни жуда яхши билар, ажойиб изтопар эди.

Гуруҳ браконьерлар биқиниб юрадиган сўқмоқларни топиш мақсадида эрта саҳарда муайян йўналиш бўйлаб йўлга чиқди. Бир соатлар ўтгач узоқдан йўлнинг чангитгани кўзга ташланди. ГА3-66

машинамиз тезликни кескин ошириб, у томон юрди. Бироқ браконьер тажрибали ва эҳтиёткор киши экан, у ўзининг “Нива”сини кескин тарзда орқага бурди ва тезликни оширди, унинг биздан тўрт километрча узоқдалиги сабабли уни қувишдан маъно йўқдек туюларди.

Машина рулини бошқарётган Ғулом Жумаев ҳам тезликни иложи борица оширди. Машина ўнқир-чўнқир, паст-баланд жойлардан сакраб ўтиб, қумтепалар устига чиқди. Браконьер бир соатлар чамаси қувилди, у вақти-вақти билан таъкибчилардан узоқлашди, изларни чалкаштирди, бироқ барибир уни ушлашга муваффақ бўлинди — “Нива” двигателининг қизиб кетганлиги унга панд берди. Машинанинг юкхонаси янги тутилган балиқ билан тўла эди.

БРАКОНЬЕРЛАР ИЗИДАН

Тегинли чоралар кўрилди, балиқ савдо пунктига топширилди, Олот туманининг фуқароси Бобомурод Турдиевга эса ноқонуний балиқ ови учун катта миқдорда жарима солинди. Жазо оғир бўлсада, ҳаққоний. Гуруҳ яна йўлга тушди...

Браконьерни ушлаш ва жавобгарликка тортиш унчалик осон иш эмас. Бунинг учун сабр-тоқат, совуққонлик, тегинли тажриба тақозо этилади. Бу йўналишда ҳайвонот ва ўсимликлар дунесини қўриқлаш бўйича давлат назорати ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан маълум ишлар қилинмоқда.

Олти ойнинг ўзидагина уларнинг биргаликдаги қуч-ҳаракатлари билан ана шундай 162 ҳуқуқбузиш, жумладан ноқонуний балиқ овланишнинг 73, гайриқонуний ов қилишнинг 19, ўсимликларни ўринсиз кесилишнинг 70 факти аниқланди.

хўжаликларга жусан экиш учун ерлар ажратиб берилди, лекин улардан керакли мақсадда фойдаланилмапти. Зарар яққол кўзга ташланади, зеро чўлда битта бутани ўстириш учун йиллар зарурдир.

Давлат назорати раҳбарияти омилкор маҳаллий пиллакорларнинг тажрибасини ўрганиш учун ўз ходимларини Фарғона вилоятига юборди. Юборилган вакиллар қайтиб келгач, бу тажрибани жорий қилиш бўйича чоралар кўрилди, лекин хўжаликларда ҳозирга қадар эскичасига ишлаб, табиатга тузатиб бўлмайдиган зарар етказилмоқда. Ҳуқуқбузарлар аниқланмоқда, баенномалар тузилмоқда, жарималар катта қийинчилик билан ундирилмоқда, лекин булардан табиат ўнгиланиб қолмаяпти.

Табиат неъматларидан бойлик орттириш учун баъзан браконьерлар ишлатадиган ҳийлалардан ҳайратга тушасиз. Масалан, Бухоро туманининг “Маданият” жамоа хўжалигида яшовчи Обид Ҳолиқов ушланди. Зарафшон дарёсида балиқ “овлаш” учун у электр кабелини яқиндан ўтган юқори вольтли симга улаган. Ана шу юқори қучланишли ток катта майдонда барча балиқларни қирган. Ашаддий браконьерга 1 миллион 300 минг сўм-купон миқдорда жарима солинди. Бу хил балиқ овлан натижасида баъзан ки-



ерда оширилган эътибор ва ғамхўрликни талаб этадиган қўриқхоналар мавжуд. Бухоро замини ноёб ҳайвон ва қушларга бой, унинг сув ҳавзаларида балиқ ҳозирча сероб, ўсимликлар дунеси ҳам ранг-баранг. Ана шу бойликнинг йўқолиб кетишига, унга ваҳшиёна муносабатда бўлишга йўл қўймаслик энг муҳим вазифадир. Вилоят ички ишлар идораларининг ходимлари эса бу ишда ёрдам беришга доим тайёрлар.

...Давлат назорати ва милиция ходимларидан иборат тезкор гуруҳ яна йўлга отланмоқда, уларнинг йўл оладиган манзили аниқ: улар браконьерлар биқиниб юрадиган сўқмоқларни топиши лозим.

Е. ЗУЕВ,
Бухоро вилоят ИИБ матбуот
гурухи ходими, милиция майори.



ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА

Душанба, 29

ЎзТВ I

17.55 Истиқлол жамоли.
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА.
"Истиқлол куртаклари".
19.10 "Мусаввир ва замон".
"Ўзбектеlevision". Премьера.
19.25 Ёшлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус
тилида).
19.50 Ёшлар.
19.55 ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Биз
танлаган йўл".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ёшлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Ёшлар.
21.35 Тўлан Низом. "Мустақиллик
ила уйғоқ ҳар юрак".
21.55 "Хирмон тўлиб тўкилди дон...".
Ғаллакорларнинг меҳнат ютуқларига
бағишланган кўрсатув ва концерт.
23.35 — 24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус
тилида).
"Тошкент" студияси таништириди:
19.50 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
20.20 "Билиб қўйган яхши".
20.40 "Богимга марҳамат".
Телефильм.
20.50 Романлар кечаси.
21.20 ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА.
"Истиқлол фидойилари". Элбек.
22.00 "Ҳафтанома" (рус тилида).
22.30 — 24.00 "Мимино". Бадий
фильм.

ЎзТВ III

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.10 Футбол бўйича Италия
суперкубоги. "Милан" —
"Сампдория". Миландан
кўрсатилади.

19.05 — 19.55

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Душанба кунини детектив.
"Қирол еқутининг ўғирланиши".
Бадий фильм. "Эркулъ Пуаро"
сериалидан.
20.55 "Ҳеч ким унутилмайди".
21.00 "Асил ҳолича".
21.55 — 22.25 "Джаз-клуб".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Тигиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.50 "Эксклюзив". Иваново вилояти
қатъий режим зонасидаги маҳбуслар
ҳаёти ҳақида.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 "Монолог".
20.40 "Нафрат ва муҳаббат
оралиғида". Михаил Зощенко.
21.25 "Спорт уик-энди".
21.40 Иллюзиялар канали.
22.25 — 23.00 "Магик-шоу".

Сешанба, 30

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!".
Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 Истиқлол жамоли.
8.35 "Артист"нинг хайрлашув
гастроли". Бадий фильм.
9.55 Футбол. Ўзбекистон
чемпионати.
11.25 Болалар учун. "Яшил чироқ".
12.25 "Созимда севги васфи".
12.55 — 13.45 "Қувноқ учрашувлар".

17.55 Истиқлол жамоли.
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.15 "Истиқлол ва қонунчилик".
18.45 "Ешлик" студияси. "Кимга
қанақа?".
19.25 Ёшлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус
тилида).
19.50 Ёшлар.
19.55 "Шаҳар байрам арафасида".
20.10 ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. "Ўзбек
сўми".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ёшлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Ёшлар.
21.35 "ЎЗБЕКИСТОН. МУСТАҚИЛЛИК
ОДИМЛАРИ".
"Ўзбектеlevision". Премьера.
22.30 "Санъатимиз даргалари".
Ҳалима Носирова.
23.40 — 00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус
тилида).

"ОМАД" таништириди:

19.50 "Мультфайерверк".
20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва
ёшлар.
21.00 "Видеогид".
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва
ёшлар.
22.00 "Шаҳар байрам арафасида".
22.15 — 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

"ОМАД" таништириди:

9.00 "Совға".
9.30 "4/8". Мусликий кўрсатув.
9.45 Ёшлар.
9.50 Видео — "О".
11.30 Ёшлар.
11.35 "Курьер".
11.50 "Рок ҳақида".
12.20 Ёшлар.
12.25 "Шарқ дурдоналари".
13.00 "Даракчи".
13.10 Ёшлар.
13.15 — 15.00 Видео — "О".

18.00 — 19.50

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 "Формула-1" классиди
автомобиль пойғаси бўйича жаҳон
чемпионати. Бельгия гран-приси.
22.00 "А. Челентано — барча
овсарлар қироли". Дам олиш
концерти.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 — 23.35 "Жўра Саркор".
Бадий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
18.00 "Тигиз пайт".
18.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.55 "Мавзу".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 "Илк манбадан".
20.40 "Ялта — Москва — Транзит-
94". Эстрада қўшиқлари еш
ижрочиларининг IX телевизион
танлови.
22.10 Хоккей. Халқаро турнир.
"Спартак" кубоги. "Россия юл-
дузлари" — "Спартак" /Москва/.

Чоршанба, 31

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!".
Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 Истиқлол жамоли.
8.35 "Ўзбекистон. Мустақиллик
одинлари". "Ўзбектеlevision".
9.30 "Гулгунчалар". Болалар учун
концерт. 1-қисм.
9.45 "Ўзбекистон — хорижликлар
нигоҳида".
10.05 "Алпомиш авлодлари".
10.25 "Ешлик" студияси. "Ватандин
яхши ер бўлмас".
11.15 "Дўстлик чаманзориди".
Мусликий дастур.
11.45 — 12.00 "Ўзбекистон"
ахбороти.

16.55 Истиқлол жамоли.
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 "Гулгунчалар". Болалар учун
концерт. 2-қисм.
17.20 "Экран довруғи". Кинодастур.
18.00 "Ўзбекистон ва жаҳон".
18.30 "Мен буюк юрт ўғлидурман".
Адабий композиция.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
19.25 ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА
БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР.
Тошкентнинг Мустақиллик
майдонидан олиб кўрсатилади.
21.40 "Ватан туйғуси". "Ўзбек-
теlevision". Премьера.
22.05 "Шум бола" чойхонаси.
22.55 "Ўзбекистон" ахборотининг
маҳсуус сони.
23.20 — 00.30 "АНОР" телевизион
танлови. Маҳсуус байрам сони.

ЎзТВ II

19.00 — 00.30 ЎзТВ I дастури.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 — 19.55

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Футбол бўйича Россия
чемпионати. "Спартак" (Москва) —
"Спартак" (Владикавказ).
20.45 Хонаки экран. "Санта-
Барбара". Кўп серияли бадий
телефильм.
21.35 "Кўздан ғойиб бўлаётган
манзара". Лев Аннинский кўрсатуви.
22.20 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.45 "Бир-бирига тўғри
келмади". Бадий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

18.00 "Технодром".
18.10 Муслим Магомаев ҳузурида
меҳмонда.
18.50 "Агар..." Кўрсатувни В. Познер
олиб боради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 Бадий фильм.
22.00 — 22.45 Янгилар.

Пайшанба, 1

ЎзТВ I

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
1 СЕНТЯБРЬ
КУНИ
СОАТ 7.00 ДАН
2 СЕНТЯБРЬ
СОАТ 02.30 ГАЧА
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
УЧ ЙИЛЛИГИГА
БАҒИШЛАНГАН
БАЙРАМ
ДАСТУРИНИ
ТОМОША
ҚИЛИШГА
ТАКЛИФ
ЭТАДИ.

ЎзТВ II

19.30 — 02.30 ЎзТВ I дастури.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.15 Хонаки экран. "Санта-
Барбара". Кўп серияли бадий
телефильм.
19.05 "Марралар".
19.20 Спорт кўрсатуви.

19.25 — 20.40

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.40 — 22.05 "Енгил қадамлар".
Бадий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".
17.50 "Тигиз пайт".
18.15 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.40 Германиядан Россия
қўшинларининг олиб чиқиб
кетилиши ҳақида репортаж.
19.05 "Билимлар сари саёҳат". Дам
олиш кўрсатуви.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 "Москва — Кремль".
20.50 "Ёшлар учун..." Л.
Филатовнинг муаллифлик
кўрсатуви.
21.35 — 23.35 "Ялта — Москва —
Транзит-94". Эстрада қўшиқлари еш
ижрочиларининг IX телевизион
танлови /танловнинг ёпилиши/.

Жума, 2

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!".
Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 "Жабранувчиларнинг даъвоси
йўқ". Бадий фильм.
10.00 Лирик концерт.
10.30 Ўқув кўрсатуви. География.
11.00 "Чантраморэ". Телефильм.
11.45 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.15 — 13.15 "Хирмонингизга
барака". Пахтакорлар учун кўрсатув
ва концерт.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Биринчи кўнгирик".
18.40 "Давр ва ўзим ҳақимда".
"Ўзбектеlevision". Премьера.
19.00 Маънавият хазинасидан.
"Тариқат пешвоси". Баҳовуддин
Нақшбанд.
19.25 Ёшлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус
тилида).
19.55 Ёшлар.
20.00 "Қўшиқларда қалбим менинг".
Абдулхай Каримов куйлайди.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ёшлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ёшлар.

21.30 "Мерос ва экран". Иззат
Султон билан учрашув.
22.30 "Хур киз". Бадий фильм.
23.40 — 00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус
тилида).
"Тошкент" студияси таништириди:
19.50 "Жонли тил".
20.40 "Шоҳсуна сари". Спорт
кўрсатуви.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 — 22.25 "Тошкент оқшомлари".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 — 19.55

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 "М-трест".
20.10 Хонаки экран. "Санта-

Барбара". Кўп серияли бадий
телефильм.
21.00 "Рек-тайм".
21.30 Кутиш зали. "Савдо порти".
22.20 "Клип-танаффус". М.
Распутина.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 00.05 "Ота ва ўғиллар".
Бадий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 "Тонг".

17.45 "Инсон ва қонун".
18.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
18.50 "Мўъжизалар майдони".
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.30 "Ҳафтанинг машҳур киши".
20.50 — 22.45 "Детективлар клуби".
"Ҳар бир кишининг ўз дўзахи
бор". Бадий фильм /Франция, 1976
й./.

Шанба, 3

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!".
Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 "Ҳазил". Бадий фильм.
10.00 "Ешлар ва замон".
10.35 "Мерос". Юсуф Саремий.
12.00 С. Прокофьев. "Ромео ва
Жульетта". Балетдан лавҳалар.
12.50 "Сирли сандиқ". Телеуйин.
13.30 "Шоҳрух" клуби.
14.00 — 14.35 "Маърифатнома".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Аёл ва жамият".
18.30 "Сайера Қозиева куйлайди".
"Ўзбектеlevision". Премьера.
18.50 "Ешлик табассуми".
19.25 Ёшлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус
тилида).
19.50 Ёшлар.

19.55 "Ўзбекистонда куз".
Телефильм.
20.05 Санъат усталари концерти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Ёшлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Ёшлар.
21.30 Насрулло Қобул. "Амир
Музаффар". Видеофильм
премьераси. 1-қисм.
22.45 "Тунги ерду". Дам олиш
кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништириди:
9.00 "Мультфайерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва
ёшлар.
10.10 "Видеогид".
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва
ёшлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
12.40 "ОМАД" тақвими".
12.50 "Жозиб".
13.10 "Бир шингил хангома".
13.20 "Муҳаббатта ошно қалблар".
13.40 Видео янгилар.
14.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва
ёшлар.
14.50 "Кинонигоҳ".

19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус
тилида).

"Тошкент" студияси таништириди:
ШАНБА ОҚШОМИДА
19.50 Болалар учун. "Табассум".
20.30 "Эсдалик учун дастхат".
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 "Менинг кўчам".
21.40 "Ҳар тўғрида".
21.50 "Антена".
22.15 "Кинематограф". Ч. Чаплин
иштирокида фильмлар.
23.35 "Хотима".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

11.40 — 16.00

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

11.40 "Мамлакатлар, воқеалар,
одамлар".
12.05 "Ўзбекистон: ҳамкорлик
йўлидан".
12.40 "Дидар" (қозоқ тилида).
13.15 "Би-Би-Си" янгилар (ин-
глиз тилида).
13.30 "Қалбим кўри".
14.00 "Безнен мирас" (татар тили-
да).
14.40 "Си-Эн-Эн" янгилар (ин-
глиз тилида).
14.55 "Эстрада юлдузлари". Дайер
Стрейте (Англия).
15.40 "Бу ажиб дунё".

18.00 — 19.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 "Овросне-ТВ" намоён этиди:
"Аида". Фильм-опера.
21.10 "А" кўрсатуви.
22.10 Катталар учун мультфильм.
22.20 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.25 — 23.50 "Садқан-сар". Бадий
фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 "Ўшангача ва ундан сўнг".
18.40 "Коламбия пикчерс"
таништириди: "Айвенго". Уч
серияли телевизион бадий фильм.
3-серия.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгилар.
20.45 "Коламбия пикчерс"
таништириди: "Комиссар". Кўп
серияли телевизион бадий фильм.
11-серия.
21.45 — 23.30 "Мента Россия ҳақида
сўзла". Германиядан Россия
қўшинларининг олиб чиқиб
кетилишига бағишланган санъат
усталарининг концерти.

Якшанба, 4

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 "Ассалом, Ўзбекистон!".
Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли
телевизион бадий видеофильм
(Ҳиндистон). 82-83-сериялар.
10.00 "Ешлик" студияси. "Ватанимга
хизмат қиламан".
10.30 "Икки дил таронаси". Гўзал
Эгамбердиева ва Собир Мўминов.
11.05 "Инсон ва қонун" почтасидан.
11.35 Бугун — Нефть ва газ санъати
ходимлари кунини. Кўрсатув ва
концерт.
12.35 — 16.00 Футбол бўйича
Ўзбекистон Республикаси
мустақиллиги кубоги Халқаро
турнири. ("Пахтакор" Марказий
стадиондан ёзиб олинган).

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. "Чамандаги
гуллармиз". Адабий-мусликий
композиция.
18.40 Абдулла Қодирий мукофотида
номзодлар. Ҳайкалтарош Илҳом ва
Камол Жабборовлар.
19.10 "Ҳилол" студияси. "Бор
барака".

19.25 Ёшлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Ёшлар.
20.05 "Ойнаи жаҳонда...".
20.25 Дам олиш концерти.
20.55 Ёшлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Ёшлар.
21.35 "Ешлик" студияси "Оталар
сўзи — ақлнинг кўзи".
22.55 Насрулло Қобул. "Амир
Музаффар". Видеофильм
премьераси. 2-қисм.
00.10 — 00.40 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништириди:
17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусликий кўрсатув.
17.45 Ёшлар.
17.50 Видео — "О".
19.40 Ёшлар.
19.45 "Курьер".
20.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
20.30 Ёшлар.
20.35 "Даракчи".
20.45 Байрам интервьюлари.
21.05 Ёшлар.
21.10 Видео — "О".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

11.55 — 16.00

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
11.55 "Мамлакатлар, воқеалар,
одамлар".
12.15 "Ҳамкорлик — тараққиёт
нишониси" (Вьетнам).
12.45 "Дунё эшити".
13.25 "Би-Би-Си" янгилар (ин-
глиз тилида).
13.40 Сиз еқтирган қўшиқлар.
14.10 "Ташрифлар ва таклифлар".
14.30 "Си-Эн-Эн" янгилар (ин-
глиз тилида).

КОМИЛ ҒОФУРОВ



Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи, милиция генерал-майори Комил Ғофуров 45 ёшида тўсатдан вафот этди.

К. Ғофуров 1949 йилда Тошкент вилоятининг Тошкент туманида таваллуд топди. Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини таълим олгандан сўнг меҳнат фаолиятини ички ишлар бошқармасида оддий терговчиликдан бошлаб, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи лавозимига бўлган гоёт масъулиятли ва шарафли йўли босиб ўтди.

Ички ишлар академиясида тахсил олган К. Ғофуров чуқур назарий билимга, катта ҳаётий тажрибага эга эди.

К. Ғофуров жиноятчиликка, айниқса унинг уюшган турларига қарши мурасасиз кураш олиб бориб, пойтахтимизда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, фуқароларнинг тинч-осойишта яшашини, меҳнат қилишини таъминлашга катта ҳисса қўшди. У милиция кучларини моҳирона бошқара олар, муаммоларни ечишда аҳоли билан, турли идора ва ҳўжалик раҳбарлари билан бамаслаҳат иш олиб борарди.

К. Ғофуров Ўзбекистон мустақиллигига садоқат билан хизмат қилди. Ички ишлар идораларида бенуқсон ва ҳалол меҳнати учун қатор орден ва медаллар билан тақдирланди.

Ажойиб инсон, қонунчилигини мустаҳкамлашнинг толмас курашчиси, милиция генерал-майори К. Ғофуровнинг ерқин хотираси қалбларимизда абадий ашайди.

И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, А. МУТАЛОВ, Т. АЛИМОВ, Б. ҒУЛОМОВ, Ғ. АЛИЕВ, З. АЛМАТОВ, Р. АХМЕДОВ, К. ТўЛАГАНОВ, Т. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, милиция генерал-майори

Комил ҒОФУРОВнинг бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

“ОЙБУЛОҚ” ОРОМҒОҲИ Чироқчи туманининг энг хушманзара ва салқин Чақилкалон тоғ тизмаси қўйнида жойлашган. Бу ерда вилоят ички ишлар идоралари ходимларининг 150 нафардан зиёд фарзандлари дам олишмоқда. Болаларнинг мароқли, яйраб-ўйнаб ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароит яратилган. Жумладан, чўмилиш ҳавзаси, бир йўла 40 нафар бола ювинадиган душ, турли қурилмадаги беланчақлар, спорт майдонлари ишлаб турибди.

Ватанимиз тарихий едгорликлару табиий бойликларга бой ўлка.

Оромгоҳ яқинидаги Лангар қишлоғининг ҳам ўз ўтмиши бор. Бу ерда XVII асрда қурилган масжиду мақбаралар мавжуд. “Тарихни ўрганамиз” деб ноқланган саёҳат болаларда катта таассурот қолдирди. Улар боболар яратган

улкан едгорликлар билан танишдилар. Худди шунингдек, “Табиатга юриш” деб аталган саёҳат қатнашчилари Чақилкалон тоғ тизмасидаги табиатнинг сеҳрар қўллари билан яратилган

“ОЙБУЛОҚ” ОРОМҒОҲИДА

Хукактош, Тешиктош, Бешиктош, Қоразов каби зиератгоҳ жойларда бўлиб, мароқли дам олдилар. Болалар тоғ ўсимликларидан турли гербарийлар тўпладилар. Қайтишда улар “Қалама” сув омборида бўлиши, бу иншоот қурилиш бунёдкорларининг амалга ошираётган улкан ишлари билан яқиндан танишдилар.

Оромгоҳда турли қизиқарли мусобақалар уюштирилмоқда. Жумладан, “Қувноқ” сартлар, “Яшил” патруллар, “Иқбол” ва бошқа баҳсталаб мусобақалар жонли ва қизиқарли ташкил

этилмоқда. Меҳнат ва уруш фахрийлари билан бўлган учрашувлар савол-жавоблар остида мазмунли ўтмоқда. Бунда отряд вожатийларидан Дилдора Авазова, Саодат Шукуровалар алоҳида ташаббус кўрсатмоқдалар.

— Болаларни сервитаминли таомлар билан овқатлантиряпмиз, — дейди оромгоҳ директори А. Юсупов. — Сут маҳсулотлари

“Қалкама” давлат ширкат ҳўжалигидан ўз вақтида келтириб турилибди. Оромгоҳимиз салқин, булоқ суви танни яйратади.

Саломатлик посбони Бахтиёр Маҳмудов болалар соғлигини доимо назорат қилиб туради. У халқ табобат усулида турли тоғ гиеҳларидан ичимликлар тайерлаб, тиббий ердам кўрсатмоқда.

Вилоят ички ишлар бошқармаси ходимларидан П. Аҳмедов, О. Жайсуновлар оромгоҳда тез-тез бўлиб, болаларнинг яхши дам олишларини назорат қилиб турибдилар. Бу ерда мароқли ҳордиқ олаётган болаларнинг қувончи чексиз. Улар бегубор болалик оламини хушнуд ўтказаётганларидан ички ишлар бошқармаси раҳбариятидан миннатдордирлар.

Х. ҲОЗОВ.

СПОРТ

ФУТБОЛЧИЛАР ДОВОН ОШИШМОҚДА

Футбол ўзининг оммавийлиги билан спорт мухлисларини ром этиб келади. Буни яқинда бўлиб ўтган XV-Жаҳон футбол чемпионати мисолида ҳам кўрдик. Гарчи учрашувлар аксарияти мухлисларимиз учун “ноқулай” пайт — тунда олиб кўрсатилган бўлса-да, думалоқ копток ишқибозлари ширин уйқунинг баҳридан кечиб, тўрт йилда бир марта қўйиладиган яшил майдондаги “спектакл”ларни томоша қилишди.

Мухлиста осон тутманг. Футбол, қолаверса, жаҳон чемпионати улар учун ўзгача бир байрам. Ҳақиқий мухлис яхши ўйин учун нафақат ширин уйқудан, балки жонидан кечинга ҳам тайёр. Футбол мана шунақа гаройиб спорт тури.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг футболчи ҳам тобора халқаро майдонга кириб бормоқда. Миллий терма жамоамизнинг Осиё чемпионати учрашувларига йўланма олганлигини яхши биласиз.

Жамоамизнинг мусобақаларда мамлакатимиз шарафини ишонч билан ҳимоя қилишига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Мухлисларимиз эса уларни керакли дамларда қўллаб-қувватлайдилар. Бундай дейишимизга сабаб бор, албатта. Ўзбекистонда футбол мусобақасини ўтказишга Осиёдаги, жумладан, Ҳиндистон, Афғонистон, Бангладеш, Ҳинди-Хитой мамлакатларига қараганда имконият катта. У давлатларда э ҳаво ўта қуруқ, е мавсумий емғирлар футбол ривожланишига салбий таъсир этади. Бизда футбол мусобақаси миллий чемпионатнинг олий ва биринчи табақаларидан ташқари минтақалараро еинки корхоналар орасида ҳам ўтказилади. Шунинг учун ҳам уни Ўзбекистонда оммавий ўйинга айланган деб тўла ишонч билан айтоламыз. Эндиги вазифа уни жаҳон микёсига олиб чиқиш ва намойиш этиш, холос.

Яшил майдон узра тўп билан чиройли ҳаракат қилаётган футболчиларни кўриб завқинг келади. Аниқ оширилаётган тўшлар, рақибни алдаб ўтишлар ҳар кимни ҳам ром этади. Майдонда маҳорат кўрсатаётган йигитлар Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ходимлари экан. Улар яқинда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг биринчилигида фахрий ўринни эгаллашди. Чемпион бўлиш улар учун осон бўлмади.

— Саккизта терма жамоа иш-тирок этган бу ўйин биз учун ниҳоятда масъулиятли бўлди, —

дейди жамоа сардори, Мирзо Улуғбек тумани Ички ишлар бошқармаси нозири, милиция капитани Владимир Арутюнян, — айниқса, Олий милиция мактаби билан бўлган учрашув командамизнинг ҳар бир иш-тирокчиси қалбида бир умр эсда сақланиб қолса ажаб эмас. Жамоамиз 3:2 ҳисобида ғолиб чиқди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси жамоаси туман Ички ишлар бошқарма, бўлим ва бўлимчаларида хизмат қиладиган ходимлар унинг асосини ташкил этади. Жамоанинг ўртанча еши 20-21 еш. Мирзо Улуғбек тумани Ички ишлар бошқармасида хизмат қилаётган Араб Қоржубоев маҳоратли футболчи. Ўз вақтида “Пахтакор” футбол жамоасининг ўринбосарлари таркибида тўп сурган. Равшан Каримовни йигитларимиз жамоамиз “Марадонаси” деб аташади. Равшан чемпионатнинг (ИИБ биринчилиги назарда тутилмоқда) “Энг яхши тўпурари” совринини қўлга киритди. Биринчи ўрин учун бўлган баҳсда ҳам “хет-трек”га эришди. Шунингдек, ака-ука — Игорь ва Олег Абдулманов, Аҳмадjon Урмонов, Баҳодир Абдураззоқов, Тоҳир Йўлдошев, Фахриддин Очилов, Рустам Обидовларнинг ғалабага қўшган катта улушлари бор. Жамоамизнинг аҳиллиги натижасида кўзланган мақсадга эришдик.

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси раҳбариятининг жамоани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши муваффақиятнинг гарови бўлди, десак янглишмаймиз. Ҳақиқатан ҳам жамоанинг энг яхши натижаларга эришиши учун шаҳар ИИББсида шароит яратиб берилган. Яшил майдон, кишки зал, ҳаммом, сауна улар ихтиёрида.

Айни кунда шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасида ишлар-авжди. Футбол бўйича шаҳар, туман ички ишлар бошқарма, бўлим, бўлимчалари ўртасида биринчилик ўтказилиш арафасида. “Яхши ният — ярим давлат” деган гап бор халқимизда. Ички ишлар ходимларидан ҳам келгусида мамлакатимиз шарафини жаҳон футбол майдонларида ишонч билан ҳимоя қиладиган футболчилар чиқишига умидимиз катта. Кундан-кунга доvon ошаётган футболчиларимизга фақат омад ер бўлаверсин.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ходими.



Тошкент шаҳар Яккасарой туман ИИБ томонидан 1973 йилда туғилган, Яккасарой туманидаги Голубой тор кўчаси, 18-уйда яшовчи Барно

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ИИБ томонидан 1980 йилда туғилган, Танкистлар кўчасидаги 1-уйнинг 14-хонадонида яшовчи **Ольга Геннадьевна ФЕДОТОВА** қидирилмоқда. У 1994 йил 3 майда уйдан чиқиб кетган ва қайтиб келмаган.

Белгилари: сочи тўлқинсимон, узун, тўқ малла, қошлари тўғри, қуюқ, лаблари қалин, кўзлари кўкиш.

Кийими: эғинда оч бинафша ранг синтетик кофта, қора юбка, оёғида қора туфли бўлган.

О. Федотованинг кейинги тақдирдан бохабар фуқаролардан бу ҳақда яқин ердаги милиция бўлимига ёки 55-94-96, 55-98-21, 02 рақамли телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Эргашевна ХАЛИМОВА қидирилмоқда. У 1993 йил 24 августда соат 6-00да уйдан чиқиб кетган ва қайтиб келмаган.

Белгилари: юзи чўзинчоқ, сочлари қора, узун, қошлари ва бурни тўғри, лаби юпқа.

Кийими: ҳаворанг халат, сариқ позим кийган, оёғида ҳаворанг шиппак. Бўйнида оқ рангли дур бўлган.

Б. Халимованинг кейинги тақдирдан бохабар фуқаролардан бу ҳақда яқин ердаги милиция бўлимига ёки 02, 55-94-96 рақамли телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.



ЭЪЛОН

ТАШКИЛОТ АЙРИМ КИШИЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРГА ЭЛЕКТР-МОНТАЖ ИШЛАРИНИ ДАВЛАТ НАРХЛАРИ БЎЙИЧА ТЕЗ ВА СИФАТЛИ БАЖАРИБ БЕРАДИ. 76-38-40 РАҚАМЛИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ СОАТ 16 ДАН 21 ГА ҚАДАР ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ.

Тошкент шаҳридаги 273-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Шерзод **Файзуллаевич Сайдуллаев** номига берилган В 089299 рақамли 9-синфни битирганлик тўғрисидаги шахолатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳуқуқий таъминлаш ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бошқармаси шахсий таркиби шу бошқарма бошлиғи милиция генерал-майори Н. А. Исмоиловга қайнонаси **Ҳикоят ШАРИПОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этадилар.

Тошкент вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бўка тумани ИИБ бошлиғи, милиция майори Ғуломжон Нурматовга укаси **ИСРОИЛ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Олмалиқ шаҳар ИИБ инспектори, милиция катта лейтенанти **Нурия ХОЛИҚОВА**нинг бевақт вафот этганлигини маълум қилиб, унинг оиласи, яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши заҳирадаги милиция подполковниги, уруш қатнашчиси **Мансур ота ИБОДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига, яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Мухаррир ўринбосари
Сиддиқ СУЛАЙМОНОВ

МАНЗИЛҒОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

Газета ҳафтанинг жума
кунлари чиқади.

- Қўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлезмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.
Буюртма Г — 1060
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.
Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 19.00.

Обуна рақами — 64615.
40.094 нусхада босилди.

ТЕЛЕФОНЛАР:
муҳаррир — 39-70-40,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул
котиб — 59-20-96,
муҳбирлар бўлими — 59-26-56, умумий
бўлим — 59-21-21.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.